


# O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ • Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • e-mail: uzas@b2c.uz • 2011-yil 25-noyabr • №48 (4135)


**Эркин ВОҲИДОВ,** Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири

## БУНДА ТИРИК ТАРИХ ЯШАЙДИ

Мамлакатимизда яна бир кошона қад кўтарди. Кўрки кўзларимизни яйратиб, ёруғ хоналари кўнглимизни мунаввар қилиб, муҳташам гумбази бошимизни кўкка етказиб Маърифат кошонаси юксалди.

Президентимизнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида биноатга келган бу салобатли мажмуа истиқлолнинг йигирма йиллиги санасида маданият ва маърифат аҳлига, илмга чанқоқ ёшларга, барча китобсеварларга бебаҳо совға бўлди.

Бизлар бу кунни кутган эдик. Дунёнинг энг бой китоб маҳзанларидан бири саналган Миллий кутубхонамиз ўз муносиб биносига эга бўлади, деб ишонган эдик. Лекин бундай улуғвор, кўркам, маҳобатли меъморлик асарини хаёлга ҳам келтирган эмасдик. Бу азиз даргоҳ ҳамиша илм ва ижод аҳлининг ўз қадрдон уйи бўлган. Янги уй, янги хонадон ҳаммамизга муборак бўлсин.

Бир юз қирқ йил муқаддам Тошкент оммавий кутубхонаси сифатида асос солинган ушбу масканнинг номи ҳам, манзили ҳам кўп бор ўзгарди. Саксонинчи йилларда бўлса керак, бир кекса кутубхоначининг куюниб айтган сўзлари қулоғимдан кетмайди: "Китоб сақлашнинг илмий асосланган, халқаро эътироф этилган талаблари бор, ҳарорат, намлик, ёруғлик меъёрлари бор. Бизларда бунга эътибор берилмайди. Бебаҳо нодир китобларимиз тақдири нима бўларкин?..."

Мана бугун кутубхоначиликнинг энг замонавий талаблари даражасида қурилган, дунёнинг машҳур китоб хазиналари билан беллаша оладиган бу янги Сарой залларига қадам қўйганимда ўша қариянинг гаплари ёдимга келди. У куюнчак инсоннинг ҳам армонлари ушалганидан дилим равшан тортди.

Ушбу гўзал мажмуа замондошларимизга ҳам, олис асрлардан бизга нур сочиб турган буюк алломаларимизга ҳам қутлуғ бўлсин. Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек даҳо бобокалонларимиз руҳлари шод. Улар ўз китоблари билан янги хонадонга кириб келдилар.

Миллий кутубхонамиз ҳамиша табаррук даргоҳ бўлган. Ватан истиқлоли учун жон фидо қилган Қодирий, Чўлпон, Тавалло, Фитрат, Авлоний каби маърифатпарвар юрт ўғлонларининг қўллари, нафаслари теккан китоблар бор бунда. Бу даргоҳда Ғафур Ғулом, Ойбек, Садриддин Айний, Ҳамид Олимжон жам бўлиб, Навоий асарларини нашрга тайёрлаганлар, ёндош ижод қилганлар.

Миллий кутубхонамиз ўзбек халқининг миллионлаб китобларида жам бўлган тирик тарихдир. Бугундан энди бу қутлуғ даргоҳда янги тарих бошланди. Бунда ҳозирги ёшларга сон-саноқсиз энг замонавий хизмат турлари бор. Улар энди китобга буюртма бериб бизларнинг ёшлик йилларимиздагидек ҳафталаб кутмайдилар. Саноқли дақиқалар ичида истаган нашрлари қўлларига тегади ва яна саноқли дақиқаларда нусха кўчириб олишлари мумкин. Ногиронлар, кўзи ожизлар учун алоҳида лифтлар, Брайн алифбосида ёзадиган,ўқийдиган компютерлар бор.

Ҳозирги ёшларга ҳавасим келади. Ўқув залларини тўлдириб ўтирган йигит-қизларни кўз олдимга келтираман, улкан симпозиум залида ўтадиган анжуманлар, илмий баҳсларни тасаввур қилиб қувонаман.

Ҳар қандай армуғоннинг масъулияти ҳам бўлади. Алишер Навоий номидаги миллий кутубхонамиз илмий жамоаси олдида улкан фаолият уфқлари очилди. Янги тарихга мос янгича тафаккур, янгича ғайрат ва ташаббус лозим бўлади.

Ёшларимизда беқиёс имкониятлар бор. Истагимиз шуки, турли техник воситалар, дилтортар ўйинлар фарзандларимизни китобдан чалғитмасин. Инсон қалби ва онгига ҳеч нарса китобчалик тарбия ва шукуҳ беролмайди. Энг буюк даҳолар ҳам, мени китоб одам қилди, дея эътироф этганлар.

Юртнинг навқирон авлоди! Бу ажойиб мажмуа аввало сизлар учун! Ватан келажаги бўлган сизлар кенг ва чуқур билимли, маънавий баркамол бўлиб, мен ўзбек фарзандиман, дея дунёда бош кўтариб юришингиз учун! Бу юксак умидларга муносиб бўлинг. Қадамингизга маърифат нурлари ёғилсин.

## МАЪРИФАТ ҚАСРИ. МИЛЛИЙ КУТУБХОНА



*Шеърий лавҳа*

**Менинг боболарим — бу кавну макон,**
**Ой, қуёш, кечаю кундузлар қадар,**
**Етти иқлимдан то замину замон,**
**Энг кичик илдиздан юлдузлар қадар,**

**Заррадан то авжи коинотгача**
**Қадамлаб, варақлаб ағдариб чиққан.**
**Етай деб энг буюк синоатгача**
**Фақат илму ҳикмат ахтариб чиққан.**

**Дунёга не зотлар келиб кетмади —**
**Кимлар тож кийса, ким тахтлар ағдарган.**
**Агарчи тубига ҳеч ким етмади,**
**Менинг боболарим китоб ахтарган.**

**Сенинг каломингни, ё қодир Оллоҳ,**
**Сарфу наҳвигача ёдлаб чиққанлар.**
**Олам хоқонлари йиғса зар, тилло,**
**Менинг султонларим китоб йиққанлар.**

**Энг кўҳна китобдир бу қадим олам,**
**Ибрату меҳнатдан иборат бўлган.**
**Буюк Амир Темур салтанати ҳам**
**Илму маърифатдан иморат бўлган.**

**Заминга сиғмади ул шаъну шавкат,**
**Ақлу заковатнинг қутб хонаси —**
**Самовотга кўчди абадул абад**
**Султон Улуғбекнинг кутубхонаси.**

**Менинг боболарим — буюк қалбларсиз,**
**Номингиз тарихим, сабрномамдир.**
**Жаҳонни забт этган ҳарбу зарбларсиз**
**Бул менинг жаҳонгир "Бобурнома"мдир.**

**Букун Амриқою Лондону Париж,**
**Ер узра сочилган китобларим бор.**
**Ўлчаб чиқсам агар қаричма-қарич,**
**Овро Осиёда китобларим бор.**

**Ортга қайтарсам бор тафаккуримни,**
**Брунодан токи Беруний қадар.**
**Бир фахр чулғайди тасаввуримни,**
**Жаҳон харитаси сингари шажар.**

**Демак, барпо бўлди маърифат қасри,**
**Юксак меъморий дид, заковат билан.**
**Бу янги, мустаҳкам қўрғондир асли**
**Мангу курашгувчи жаҳолат билан.**

**То билим бор экан — эл топмас завол,**
**Тарбият биноси ҳеч кетмагай дарз.**
**Бунда авлодларга бахш этиб камол,**
**Ҳазрат Навоийнинг ўзи ўтгай дарс.**

**Сирожиддин САЙЙИД,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

## КАМОЛОТ ТИМСОЛИ

Пойтахтимиз юраги — Мустақиллик майдонида қад кўтарган ўнлаб муҳташам бинолар, рамзий ва расмий иншоотлар сафи яна биттага ортди. "Маърифат маркази" ва Миллий кутубхона биносини кўрган ҳар бир инсон бахтиёр юртимиздаги маънавият, маърифат соҳасига қаратилаётган эътиборни чуқур англайди. Зеро, маънавияти ва маърифати юксалган халқнинг эртанги куни ёруғ бўлади.

Дарҳақиқат, оламда одам болалари руҳий, маънавий таскин топадиган ибодатхоналар бисёр. Бу даргоҳларни бировлар қуббасига хоч қўйиб черков деб атаса, муслим башар фарзандлари бу табаррукликни масжид номи билан юритади. Вале, бани одам учун умумий, миллату элат танламайдиган бир қутлуғ ибодат, фасоҳат, ибрат маскани борки, бу манзил барчага зиё улашади, ёғду таратади. У барчага тенгдир. Биз бу даргоҳни — кутубхона деб атаймиз. Ўз ўрнида Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай ҳикматли мисралари ёдга тушади:

**Камол эт касбким олам уйидин,**
**Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.**
**Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ,**
**Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.**

Ахир, китоблар эмасми кишини камолотга етаклагувчи, қалбни салим айлаб, инсонни олиму фозил қилувчи. Шу маънода, китобни инсониятнинг энг улуғ кашфиёти деб аташ мумкин.

Кутубхоналар жуда қадимда ёзма ёдгорликларни сақловчи хазина сифатида пайдо бўлган. Милоддан аввалги II минг йилликда сопол битиклари сақланган кутубхоналар бўлган. Эрамиздан аввалги VII аср ўрталарида Шарқдаги шоҳлар саройларида, қадимги Миср ва Рим ибодатхоналари қошида ҳам кутубхоналар бўлган. Александрия ва Пергам кутубхоналарини уларнинг энг машҳурлари бўлган деб айтиш мумкин. Сарбонна, Гейделберг университетлари кутубхонаси, Ватикан кутубхонаси, Париждаги Қироллик кутубхоналари кабилар ҳам шулар жумласидан.

**Давоми иккинчи саҳифада.**

*Эҳтиром*

Қўшиқ — жон озиғи, руҳиятинг малҳами, туйғулар силсиласи. Айниқса, у қалбингни ларзага солса, тафаккурингда чақмоқдек чақнаса. Бундай санъат асари биз юқорида айтган сеҳрли санъат ижодкорнинг хулқи, одоби билан сеҳрли жозиба бахш этади. Ана шундай том маънодаги санъаткорлардан бири Муножат Йўлчиевадир.

У Франция, Англия, Америка, Россия, Италия, Испания давлатлари, қўйингки, Ер шарининг қайси қитъасига борган бўлса, ноёб овози, туйғуларга бой ижроси, юракдан куйлаш услуби билан ўзидан гўзал излар, бетакрор таассурот қолдириб келмоқда. Ўзбек мақоми деса, Муножатхон, Муножат деса Ўзбекистон намоён бўлади одамлар наздида. Унинг катта саҳналарда, дунё қўшиқчилари иштирок этган танловларда ғолиб келиши Ўзбекистоннинг ҳам ютуғи ва фахри. Муножат қўшиқ куйлаганда томошабинлар беихтиёр ўринларидан туриб олқишлаши, таъзим бажо келтириши — бу мустақил Ўзбекистонимизга, ўзбек халқига эҳтироми сифатида қалбимизда фахр ва ифтихор уйғотади.

## ДУНЁНИ ЗАБТ ЭТГАН ОВОЗ

Дарҳақиқат, мумтоз қўшиқлар, мақомлар, катта ашулаларни маромига етказиб куйловчи бу ноёб овоз соҳибасини юртимизда каттаю кичик бирдек севади ва ҳурмат қилади.

Ўтган ҳафта пойтахтимиздаги "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган Муножат Йўлчиеванинг "Қалб наволари" концертига ташриф буюрган томошабинларнинг атоқли санъаткорга эҳтироми, меҳр-муҳаббати буни яна бир бор намоён этди. Муҳташам саройга хонанда санъатининг чин ихлосмандлари, юртимизда фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар ва дипломатик корпус вакиллари, чет эллик меҳмонлар йиғилдилар.

Икки соатлик концерт жараёнида фақат жонли ижро ва саҳнада ўзини муносиб тутиш ҳамма санъаткорнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу борада Муножатхоннинг одоби, устозлари, дўстлари ва санъат мухлисларига ҳурмати ва эҳтироми таҳсинга сазовор. Буни таъкидламасликнинг иложи йўқ. Айтаётганларим бир менинг эмас, ўша ерда ўтирган икки ярим мингта томошабиннинг фикри десам адашмайман. Назаримда, мумтоз ашулалар ижроси жараёнида нафақат Муножатхон, балки бутун мухлислар теран сўз ва таъсирчан мусиқа сеҳрига тушиб қолгандек эди. Зеро, миллий мусиқий меросимиз, мумтоз наволар инсонни руҳан поклайди, маънан юксалтиради. Тингловчи қалбида ва онгида эзгу инсоний фазилатларни шакллантиришга хизмат қилади.

Муножатхоннинг ашулалари инсон руҳияти, тафаккури, ички кечинмалари билан боғлиқ бўлгани учун ҳам уни миллати, элати, тилидан қатъи назар, барча халқлар роҳатланиб тинглайди.

Назаримда, юксак савияда ўтган бу концерт санъаткорнинг ҳам, мухлисларнинг ҳам чинакам байрамига айланди.

**Фарида АФРЎЗ**

## ЁРУҒ УЙНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

Қуёшга қаратиб қурилган чиройли иморатни кўз олдингизга келтиринг. Деразалари катта, хоналари ёруғ, томи баланд. Очиқ деразалардан тоза ҳаво киради. Хуллас, офтоб оғушига рўбарў бино! Шу бинони энди жамиятга қиёс этайлик. Албатта, ҳар қандай иморат пойдевор устига қурилади. Пойдевори мустаҳкам уйнинг томидан хавотир олмасак бўлади, пойдеворга эътибор заруратлигини англамаслик меъморликдан бегоналик дегани. Буни биласиз!

Жамият — улкан бино! Унда биз яшаймиз. Униб улғаямиз. Тўй-томоша кўрамиз. Лекин шу бинони мустаҳкам тутиб турган манба, жамият деган иморатни суяб турган пойдеворга ҳамиша ҳам эътибор қаратамизми? Биз бу пойдевор ҳақида мукаммал тушунча, билимга эгамизми? Бу пойдевор жамият деворларию томини — бошпанамизни ҳам суяб турганини ҳис қилиб яшаяпмизми?

Жамиятни улкан бино дедик. Конституция эса унинг пойдеворидир... Шу пойдевор устига терилган барча ғиштларни эса қонун ва қонуности ҳужжатларига менгзашимиз мумкин. Чунки жамиятимиз равнақи йўлида яратилган барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Конституцияга асосланади. Агар ғиштлар пойдевор устига қийшиқ-қинғир қўйилса, унга мослаб терилмаса, бу бино омонат бўлади, қулаб тушади. Қонун ҳужжатлари ҳам шундай. Конституция асосида ҳаётийлик касб этиб, жамият ичида ўз мавқеи ва муддаосини амалга ошириш учун ҳар қандай ҳужжат Конституция пойдеворига "оёқ қўяди". Шундагина бу ҳужжат жамият қўрғонининг мустаҳкам бир ғиштига айланади.

Мустақил Ўзбекистоннинг тарихий солномасида 1992 йил 8 декабр санаси алоҳида ўрин эгаллайди. Боиси, халқимизнинг хоҳиш-иродасини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси айнан шу санада қабул қилинган. Икки бор умумхалқ муҳокамасидан ўтган Асосий қонунимиз лойиҳаси нафақат халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойиллари, айни чоғда миллий қадрият ва анъаналаримизни ифода этолгани туфайли ўша кездаёқ халқаро экспертларнинг эътиборини тортди. 6 та бўлим, 26 та боб ва 128 моддадан иборат Асосий қонунимиз содда ва тушунарли тарзда баён этилгани билан бошқа давлатларнинг конституцияларидан ажралиб туради. Муҳими, олий юридик мақомга эга Конституциямиз давлатимизнинг мустақил ва бўлинмаслигини, чегараларимиз дахлсизлигини, энг асосийси, инсон ҳуқуқлари олий қадрият эканини ўзида акс эттира олди. Ғурур билан айтиш мумкинки, мазкур қонун ҳужжатининг барча нормалари амалий ҳаётга тўла жорий этилди ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдондаги нуфузи, мавқеини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий, бир сўз билан айтганда, ҳар бир соҳасини қамраб олган Конституциямизнинг муқаддимасидаёқ инсон ҳуқуқларига алоҳида урғу берилади. Зотан, ҳар бир давлатда демократиянинг нечоғлик қарор топгани инсон ҳуқуқ ва эркинликларига қай даражада риоя этилаётгани билан ўлчанишини яхши биламиз.

*8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

**Давоми иккинчи саҳифада.**

*Давра суҳбати*

Истиқлол йилларида сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилган ўзбек эстрада санъати ёш авлоднинг руҳий камолотига бошқа санъат турларига қараганда кўпроқ таъсир кўрсатаётгани ҳеч кимга сир эмас. Зеро, эстраданинг бундай натижаларга эришишида давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан соҳа ривожига кўрсатилаётган доимий эътибор ва ғамхўрлик, ёш фақат мавзу ва мусиқа, ижро усуллари, балки саҳна ҳаракатларида ҳам очиқдан-очиқ ажнабий "оммавий маданият" кўринишларига тақлид қилиш, "юлдузлик" касалига чалиниш ҳолатлари тез-тез учраб тураётгани чинакам санъат мухлисларини ранжитмасдан қолмайди, албатта".

Дарҳақиқат, сўнгги вақтларда аксарият ёш ижрочиларнинг сўз ва оҳангга беписанд муносабатда

## ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — САНЪАТКОР ОДОБИ МЕЗОНИ

истеъдодларнинг ўзларини намоён этишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар, миллий мусиқий анъаналаримиз, дунё мусиқа санъати ютуқлари ҳамда энг яхши жаҳон эстрадаси намуналарини ўрганишда кенг имкониятлар очилгани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда халқимиз, айниқса, ёшларимизни юксак маънавий қадриятлар руҳида тарбиялашда, улар қалбида она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат туйғуларини камол топтиришда, уларнинг онги ва шуурини турли зарарли ғоя ва оқимлар, жумладан, "оммавий маданият" руҳидаги салбий таъсирлардан ҳимоя қилишда эстрада санъатининг алоҳида ўрни бор.

Эстрада хонандаларимиз ижоди ҳамиша ҳам ана шу мезонларга мувофиқ келяптими? "Бу ҳақда гапирганда, бир ҳолатни афсус билан айтишга тўғри келади, — деб ёзади Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида. — Айрим ёш ижрочи ва ижодий гуруҳларнинг жамоатчилик эътиборига тақдим этаётган "асар"лари санъатнинг ҳеч қандай талаб ва мезонларига жавоб бермайди. На-

бўлаётгани, изланиш, шоир ва бастакорлар билан ҳамкорлик қилиш ўрнига ўзи матн ёзиб, ўзи куй басталаб, яна бунга миллий менталитетимизга тўғри келмайдиган клиплар суратга олиб, турли тилларни қориштириб, талаффузни бузиб қўшиқ айтиши одатий ҳолга айланиб қолгани кўпчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳолатлар, шубҳасиз, санъатни, унинг туб моҳияти ва аҳамиятини тушунмасликдан, баъзи ҳолларда бу соҳага фақат бойлик орттириш манбаи сифатида қаралаётганидан келиб чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси ҳамда "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилган "Юксак маънавият — санъаткор одобининг мезони" деб номланган давра суҳбатида ўзбек қўшиқчилик санъати ва миллий эстрадамизда мавжуд шу каби муаммолар, санъаткор одоби ва маданияти хусусида сўз борди.

**Давоми бешинчи саҳифада.**

# ЁРУҒ УЙИНИНГ ОЛТИН ПОЙДЕВОРИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Эндиликда Конституциямизнинг мазмун-моҳияти мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб олий ўқув юртларида ҳам алоҳида қизиқиш билан ўрганилаётганини эътироф этиш жоиз. Бу ёш авлодда ватанпарварлик, юртга садоқат ҳиссини оширибгина қолмай, Асосий қонунимизнинг том маънодаги ҳуқуқий қалқон эканини англаб етишга имкон яратади. Албатта, бу борада Давлатимиз раҳбари томонидан 2001 йил 4 январда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойиши ҳуқуқий-норматив мезон бўлиб хизмат қилмоқда. Юртимизнинг ҳар бир фуқароси Бош қомусимизни ўрганиш асносида ўзининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳуқуқларини ўзлаштирибгина қолмай, маъмурий-ҳудудий ва давлат тузилиши, давлат ҳокимиятининг ташкил этилиши, Конституцияга ўзгартириш киритиш тартиби сингари муҳим сиёсий жараёнларни ҳам англаб етади. Бу ўз-ўзидан шахс ва давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга, жамиятда фаол фуқаролик позициясини шакллантиришга замин яратади.

Шу ўринда Конституциянинг 7-моддасига эътибор қаратайлик. Мазкур моддада давлат ҳокимияти фақат халқ манфаатларини кўзлаган ҳолда амалга оширилиши, аниқроқ айтганда, давлат халқ иродасини ифодалаши мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, барча давлат идоралари, мансабдор шахслар ҳамда фуқаролар Ўзбекистон Конституцияси ва унинг асосида қабул қилинган қонунларга сўзсиз итоат этишлари лозимлиги ҳам ушбу модданинг мазмунини ташкил этади. Зеро, жамиятда қонун устуворлигига шу йўл орқалигина эришиш мумкин. Қонун устуворлигининг таъминланиши эса бош мақсадимиз — эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг асосий шартидир. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш хусусида сўз борар экан, барча соҳаларда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар тўғрисида ҳам мулоҳаза юритиш лозим. Негаки, юртимизда ҳар бир янгиланиш ва ислоҳотлар босқичма-босқич амалга ошириладики, халқимизга хос етти ўлчаб бир кесишдек оқилона фазилатга асосланган бу жараён аллақачон ўзининг ижобий самарасини беришга улгурди.

Шу ўринда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислоҳотларни кўз олдимизга келтириш лозим. Инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишнинг энг муҳим кафолати сифатида суд ҳокимиятининг нуфузини ошириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ролини янада кучайтириш борасида изчил ўзгаришлар амалга оширилди.

Хусусан, мамлакатимизда илк бор Конституциявий суд жорий қилинди. Судларнинг жиноят, маъмурий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонуний тартибда расман мустаҳкамлаб қўйилди. Бу эса ўз навбатида тегишли тоифадаги ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириб, сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш ва эркинликларини таъминлаш кафолатини кучайтирди. Ишларни кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиб, кассация инстанцияси ислоҳ қилинди. Натижада суд хатоларини ўз вақтида тузатиш, суд ишларини юритишда сансалорликка йўл қўймаслик имкониятлари пайдо бўлди. Суд жараёнида айблов билан ҳимоянинг ҳуқуқий жиҳатдан тенглигини, уларнинг тортишув принципини амалга оширишни таъминлайдиган қонуний механизмлар яратилди.

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш жараёнининг изчил амалга оширилиши инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг муҳим кафолатига айланди. Айни вақтда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди. Хусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига кирувчи жиноий қилмишлар рўйхати қисқартирилиб, уларнинг 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди. Жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўла қопласа, суд томонидан унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашнинг янги тартиби жорий этилди. Жиноят қонунчилигида янги — ярашув институти жорий этилди ва бугун у амалиётда кенг қўлланилиб, ижобий самара бермоқда.

Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда



қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши демократик ҳуқуқий давлат, адолатли фуқаролик жамияти барпо этиш ва қонунийликни мустаҳкамлаш йўлидаги ислоҳотларимизнинг муҳим таркибий қисмини ташкил этди.

Узоққа бормайлик, 2010 йил 12 ноябрда Парламент палаталарининг қўшма мажлисида Давлатимиз раҳбари томонидан "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" таклиф этилдики, мазкур ҳужжат ислоҳотлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал бўлди, десак янглишмаймиз. Ушбу Концепциядаги таклифлар асосида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил 18 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги амалий ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Конституциянинг "Жамият ва шахс" деб номланган учинчи бўлими "Жамиятнинг иқтисодий негизлари", "Жамоат бирлашмалари", "Оила" деб номланувчи бобларни ўз ичига олган. Жамоат бирлашмаларининг кундалик турмушимиздаги аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда", деган таърифидан яққол англаб етамиз. 2010 йил 12 ноябрдаги Концепция талабига кўра "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни жорий этиш энг долзарб вазифалардан биридир. Биргина 67-моддадан иборат "Оммавий ахборот воситалари" боби Ўзбекистон тарихида илк маротаба оммавий ахборот воситаларининг эркинлиги принципини Конституциявий қоида тариқасида эътироф этди. Концепция талаблари асосида жорий этилиши кўзда тутилган "Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги, "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонунлар бу модданинг амалий самарасини янада оширади.

Кези келганда айтиш жоизки, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг пойдевори ҳам айнан Конституция асосида мустаҳкамлана боради.

**Кўчқор НОРҚОБИЛ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси**

# КАРВОН ВА САРБОН

Пахтани оқ олтин дейишгани бежиз эмас. Уни ортган карвоннинг баҳоси йўқ. У бутун бир элни кийинтириш ва тўйдиришга қодир. Авваллари бу карвоннинг тизгини ўзгаларнинг қўлида, борадиган манзил-макони ҳам биздан йироқларда эди. Биз экардик-кўтарардик, ўзимиз сарбон ўлароқ ўзгаларнинг сандиғига олиб бориб тўкардик. Қўлимизда юки қоларди, ҳисоб.

Мустақиллик оқ олтинимизни ўзимизга берди. Энди карвонимиз ҳам ўзимизники, сарбонимиз ҳам. Сарбон тушунчаси ҳам энди бошқача моҳият касб этди.

Бойлик етиштириладиган ва жамланадиган ҳар ерки бор, унинг ўз сарбонлари — катта-кичик хўжайинлари бўлиши табиий. Карвоннинг тақдири ана ўшаларнинг қўлида. Қаерда иш бошиданоқ тизгин маҳкам ушланса, карвонга зарур нимаики бор, барчаси муҳайё этилса, оқ олтин кони — ердан бошлаб, то улкан хирмонга олиб боргувчи барча йўллар соз ва сарафроз қилинса, улкан юк ўз манзилига омон-эсон етиб олади.

Бу йил табиий қийинчиликлар ҳар қачонгидан мураккаб бўлгани барчага маълум. Қийинчиликларни енгиш йўлидаги машаққатлар юки ҳам оғир. Шундай бўлса-да, олқишга сазовор сарбонлар бу қадимий ва навқирон элнинг ҳар туманида бор. Шулардан бири — гурланлик фермер Эриммат Содиқов. Биз фермер хўжалиги далаларида бўлиб, механизатор ва деҳқонлар билан суҳбат қуриб англадикки, бу ерда ишнинг кўзини биладиганлар макон тутган. Аввало, оға-инилар ўз ерларини бирлаштириб, "Эрмуҳаммад махсум" кичик агрофирмасини ташкил этишга муваффақ бўлишибди. Унинг таркибида "Ганж", "Ёрмуҳаммад", "Омонбой» хўжаликлари, биолаборатория, чорвачилик фермаси, автопарк, қурувчилар жамоаси ва бошқа хизмат бўлинмалари фаолият кўрсатади. Барча ташкилий ишлаб-чиқариш жараёнлари битта жойдан — маъмурий марказдан бошқарилади.

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп экан-да. Ака-укалар иш бошида топган-тутганларини ўртага қўйиб, кредитга олган маблағларини қўшиб-чатиб, энг аввало, қишлоқ хўжалик техникасини сотиб олиш, машина-трактор паркини ташкил этишга астойдил киришганларида ҳали айрим фермерлар кредит пулларни турли бинолар қуришга сарфлаётган — олдин шароит яратиб, кейин кўламли ишларга киришмоқчи бўлганлари сир эмас.

Айтмоқчимизки, оға-инилар тўғри йўлни танлашган — аввал техникани қўлга киритиш, кейин эса улардан унумли фойдаланиш ҳисобига топилган маблағни қурилишга сарфлашни кўзлабдилар. Қисқа муддатда ўз ниятларига эришдилар ҳам. Бугун уларнинг ҳисобида барча турдаги юздан зиёд трактор ва машиналар бор. Бунинг билан, халқ тилида айтганда, тоғни талқон қилиш мумкин.

Агрофирма таркибидаги хусусийлаштирилган машина-трактор парки (МТП)нинг довруғи эндиликда узоқ-яқинга яхши маълум. Қўшни қишлоқлардан ташқари, ҳатто бошқа туманларга ҳам тракторлар юборилиб, тегишли ёрдам кўрсатилгани ҳисобига агрофирма тузуккина иқтисодий фойда кўрмоқда. Жумладан, шу йилнинг ўзида Қўшкўпир ва Шовот туманларига кўрсатилган техника хизматидан агрофирма ҳисобига 81 миллион сўм даромад келиб тушди. Гурланнинг ўзида ҳам шу техникалар кучи билан янги ерлар ўзлаштирилмоқда.

Агрофирма қурилиш бўлинмаси 280 ўринли мактаб, Эшимжироннинг ўзида эса қишлоқ врачлик пункти биноларини қуриб бергани, иккита қабристон атрофига девор айлантиргани каби хайрли ишларни одамлар миннатдорлик билан эслашади.

Кенг қамровли ишларни кўнгли кенг, ҳимматли кишилар амалга оширади, албатта. Тор одам ўз қобиғидан нарини кўролмайди ёки кўришни истамайди. Кенгга кенг, торга тор дунё, деб шуни айтса керак-да. Агрофирма деҳқонлари, механизаторлари ва қурувчилари билан бўлган суҳбатимизда ҳиммати баланд фидойи кишиларнинг номлари бот-бот тилга олинди. Улардан бири Ражаббой Қурбонбоев. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан қолган эски тракторларни кўплар ҳисобдан чиқазиб қўйишган эди. Уларни темир-терсакка топшириш керак, деганлар ҳам бўлди. Бу гапларни эшитган механизатор Ражаббой Қурбонбоев ўша тракторларни синчиклаб кўздан кечиргач, уларни таъмирлашга аҳд этди. Бундан кимлар елка қисди, кимлар уни хаёлпарастга чиқазишди.

Орадан кўп ўтмай хаёл ҳақиқатга айланди. Янги эҳтиёт қисмлари келтирилиб, увада тракторлар тўла таъмирдан чиқарилди ва ишга туширилди. Бунга аввалдан ишонмаган кишилардан бири ўшанда Ражаббойни техниканинг пири деб атади. Бу ном унга мисоли ёрлиқ бўлиб қолди.

Шу ва бошқа хайрли ишлардан кейин машина-трактор парки "Амударё" номини олди. Эндиликда унинг довруғи Гурландан ташқариларда ҳам яхши маълум. Бош муҳандис Сафарбой Ҳайитбоев, бош механик Эгамберган Исмоилов бошлиқ тракторчиларни бошқа туманлардан кўмакка чақиришаётгани боиси ана шунда.

Агрофирма далалари, боғ-роғларини бир-бир айланиб кўрганимизда ҳам кўпгина ибратли ишларнинг гувоҳи бўлдик. Катта йўл бўйидаги далада иккинчи терим ўтказилган бўлсада ҳали чаноқлар ерга қўнган ғоз галасидай оқ-оппоқ бўлиб кўрган кўзни қувонтириб турарди. Бизни қизиқтирган яна бир нарса эгатлардаги ям-яшил буғдой қаторлари бўлди. Ҳосилини қўятурайлик, биргина буғдой ва шоли поялари боғламларидан 55 мингтаси ўтган йил бошқа вилоятларга ҳам сотилиб, 100 миллион сўм маблағ олинибди.

Пахтазордан боққа ўтамиз. 41 гектарлик мевали боғининг ҳосилдан бўшаган олма, беҳи, анор, анжир, нок, бодом ва бошқа дарахтлари омон-эсон кўзи ёриган аёлга ўхшаб сокин тортишган. Боғдан ўтган йил 110 миллион сўм даромад олинган экан, бу йилги мўлжал эса ундан 30-40 миллион зиёд. Харидорлари — кўпроқ Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.

Бу йил баҳорда Э.Содиқов Тошкентга борганида Олой бозорига ўтади ва бир мева растаси олдида тўхтаб, сотувчи билан беихтиёр суҳбатга киришади.

— Сўраганнинг айби йўқ, булар қайси боғнинг олмалари?

— Тилингиздан хоразмликка ўхшайсиз-а?

— Ҳовва.

**Ёзувчилар уюшмаси йўлланмаси билан**

— Эса Гурланни яхши билсангиз керак?

— Хўш?

— У ерда Эшимжирон қишлоғи бор-а?

— Биламан...

— Боғларини кўрганмисиз?

— Албатта...

— Ўша жойда Эриммат ака деган зўр фермер бор, эшитганмисиз?

— ...

— Бу асал олмалар ўшатдан бўлади!

— Раҳмат, ука, — дея раис орқага қайрилмоқчи бўлганида сотувчи унга, "Олиб кетинг, ака, маза қиласиз", дея «молининг» таъриф-тавсифини келтираберади.

Шуларни эсларкан, Эриммат Содиқов бунинг ўзи менга катта мукофот, дея дил-дилидан қувониб гапиради. Вақт пешин бўлиб қолган эди. Дала шийпонига ўтдик. У ерда эшимжиронликлар учун қўйлар сўйилган, қозонлар осилган экан, бориб уларнинг қаторидан жой олдик. Ошхўрликка суҳбат, унга шеърлар уланиб кетди.

Мен ўрта яшар бир деҳқондан сўрадим:

— Туманингиз вилоятда биринчи бўлиб пахта режасини бажарди. Барвақт экилган кузги буғдойзорлар кўзни яшнатади, бунинг боиси нима деб биласиз?

— Бунинг сабаблари кўп, шуларнинг асосийси бўлдамли ерларимизу тиниб-тинчимас одамларимиз, — деди аста.

Мен бу гапни баралла айтишни истардим. Лекин ўзимни босиб яна сўрадим:

— Гурлан сўзининг маъноси не?

— Бир неча маъносини эшитганман, — деди у ўйчанлик билан, — яхшиси, сиздан эшитайлик.

Мен билганимни айтдим ва шундан кейин қуйидаги мисралар қоғозга тушди:

*Бунда шерлар наъраси*
*Титратганда борлиқни,*
*Сарбаланд ҳилпираган*
*Хоразмнинг ялови.*
*Бунда Зардўшт нафаси*
*Олқаганда ҳурликни*
*Гуриллаган Гурланган*
*«Авесто»нинг олови.*

Бу олов юракларга кўчган ва авлоддан авлодга ўтиб, гурланликларнинг қалбини иситиб, қозонини қайнатиб келади. Ана шундай ўт-олов заҳматкашлардан бири Эриммат сардорнинг отаси Мулла Карим эди. У ҳақда гап кетганида эшимжиронликлар кўп мақтовлар қатори тенгсиз механизатор эдида, дея олқаб ҳам қўйишади. Бу бежиз эмас.

Республикамиз мустақилликка эришиши арафасида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан деҳқонларнинг томорқа ерлари кескин оширилгани қут-барака омили бўлди. Ўшанда Мулла Каримга Амударёга туташ ташландиқ саҳндан 80 гектар ер берилган эди. Кўз қўрқоқ, қўл ботир деганларидек, Мулла Карим тракторининг гуркираги бу бўз ерларга ҳаёт олиб кирди-да.

Бугунги серҳосил агрофирма далалари, боғ-роғлари ўша бўздан бошланиб, қулочини кенг ёйгани энди ибратли тарих!

...Қуёш ўз ёстиғига бош қўяй деганида, биз Урганчга қайтдик.

**Эркин САМАНДАР**

# КАМОЛОТ ТИМСОЛИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Ўзбекистон ҳудудида милоддан аввалги I минг йилликнинг сўнгги асрларида дастлабки кутубхоналар пайдо бўлган. Ўша даврда халқимиз Миср, Эрон, Юнон халқлари билан яқин алоқалар ўрнатганию ҳамда мавжуд қўлёзмалар билан таниш бўлишганига оид маълумотлар учраб туради. IX-X асрларда Марказий Осиёда фан ва маданият янада ривожланди. Бухоро, Самарқанд, Марв, Урганч каби шаҳарларда ҳукмдор саройларида кутубхоналар барпо этилди. Сомонийлар сулоласи кутубхонаси булар орасида энг машҳури эди. Маълумотларга кўра, Марв шаҳрида мўғуллар истилоси арафасида ўнта кутубхона бўлган.

XI асрнинг бошларида Хоразмшоҳлар томонидан тўпланган кутубхона ўша даврнинг кўплаб олимларига хизмат кўрсатган. Улар орасида Абу Райҳон Беруний ва Ибн Сино ҳам бўлган. Манбаларнинг кўрсатишича, Хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун машҳур адабиётшунос ва тарихчи ас-Саолибийга кутубхонанинг расмий хазинабонлиги лавозимини топширган.

Соҳибқирон Амир Темур аввал Кеш, кейинчалик мамлакат пойтахти Самарқандда кутубхоналар ташкил этган. Мазкур кутубхона учун дунёнинг кўплаб жойларидан ноёб китоблар харид қилинган. Яна бир маълумот, шарқнинг улуғ алломаю адибларининг шахсий кутубхоналари ҳам бўлган. Беруний, Ибн Сино, Фирдавсий, Замахшарий, Умар Хайём, Абдураҳмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур каби буюк шахсларнинг қимматбаҳо қўлёзмаларга бой йирик кутубхоналари ҳақида муаррихлар ўз асарларида айтиб ўтишган. Уларнинг кутубхоналари ҳамиша илму толиблар билан гавжум бўлган. XIX аср охири XX аср бошларида Бухорода 3 та катта шахсий кутубхоналар бўлиб, улардан қози Муҳаммад Шариф Садр Зиёнинг кутубхонаси бизгача тўлиқ сақланиб қолгандир. Хусусан, бизнинг тарихимизга оид бу каби хайрли далилларни кўп келтириш мумкин.

Маълумки, истиқлол йилларида миллий маънавиятимизни тиклаш, уни замон талаблари асосида ривожлантириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли 5748 та кутубхона Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги тасаррруфига ўтказилди. Вилоят илмий-универсал кутубхоналари, шунингдек, Тошкент шаҳар марказий кутубхонаси негизида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли 14 та ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди.

Мамлакатимиз кутубхоналари орасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг алоҳида ўрни бор. 1870 йилда Тошкент Халқ кутубхонаси сифатида ташкил этилган мазкур кутубхона азалдан фондларни тўлдириш ва сақлаш ҳамда улардан кенг фойдаланиш каби жуда муҳим маънавий вазифани бажариб келган.

2002 йилда кутубхона Президентимизнинг 2002 йил 20 февралдаги «Илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонига асосан Миллий кутубхона мақомини олди. «Миллий кутубхона» мақоми нафақат кутубхона тузилишига, балки унинг илмий-тадқиқот, методик ва нашриёт фаолиятида ҳам ўзига хос ислоҳотлар олиб кирди. Натижада кутубхонани халқаро даражага кўтарди.

Миллий кутубхона Марказий Осиё минтақасидаги энг қадимий кутубхоналардан бири бўлиб, республиканинг йирик ахборот-кутубхона муассасаси ва маданий марказига айлангандир. Кутубхона фонди 10 миллиондан ортиқ китоб ва нодир қўлёзмаларни ўз бағрига олган. Айниқса, XV — XIX асрга оид 200 мингдан зиёд асарлар нусхалари тўплами кутубхонанинг фахридир. Кутухона бугунги кунда 11 та давлатнинг миллий кутубхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро алоқалар олиб боради, 25та мамлакат билан китоб айрибошлаш бўйича ҳамкорликни йўлга қўйган. Бугунги кунда электрон кутубхонада умумий фонднинг тахминан 30 мингта тўлиқ матнли асарлари мавжуддир. Кутубхонада ҳар йили 500 мингдан зиёд фойдаланувчига хизмат кўрсатилади ва 2 миллион нусха китоб ва қўлёзмалар берилади.

Миллий кутубхонанинг қарийб бир ярим асрлик тарихида 2011 йил муҳим аҳамият касб этди. Улуғ бобомиз Алишер Навоий номига ва ушбу улкан даргоҳнинг шарафига муносиб бўлган янги кутубхона биноси пойтахтимизнинг марказида қад ростлади.

Ушбу муҳташам бино китобхонларга хизмат кўрсатиш, фондни сақлашга мўлжалланган хоналар ва халқаро симпозиумлар учун 1000 ўринли зални ҳам ўз ичига олган.

Бу хусусда кутубхона директори Абдусалом Умаров шундай дейди: "Кутубхона китоб омбори бинонинг уч қаватида жойлашади ҳамда фондни сақлаш учун мобил ва стационар жавонлар билан жиҳозланади. Янги бинода 13 та ўқув залини жойлаштириш кўзда тутилган, умумий ўқув зали улардан бири бўлиб, 100 ўринга мўлжалланган. Ташриф буюрувчилар кўргазма зали, китоблар музейи, болалар хонаси, китоб салони, киномарказ, Интернет ва медиамарказ, кафетериялар, дам олиш жойларидан фойдаланишлари мумкин бўлади. Қироатхонада эса китобхон ўрни 700 тадан иборат.

Кутубхонанинг янги биноси замонавий технологик ускуналар, интеграциялашган автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизими, китоб омборидан нашрларни автоматик тарзда етказиб бериш омбори (телелифт), ахборот-кутубхона фонди хавфсизлигини таъминлаш ва консервация қилиш ускунаси, ўт ўчириш, вентиляция, видеоназорат, иситиш, ёритиш, телефония тизимлари каби замонавий жиҳозлар билан ҳам тўлиқ таъминланди".

Мазкур маълумотлардан ҳам англашиладики, кутубхонанинг янги биноси ўқувчиларга барча шарт-шароитларни муҳайё этади. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида мукаммал тарзда жиҳозланган ва китоблар билан таъминланган кутубхоналар мавжуд. АҚШнинг Конгресс кутубхонаси, Лондондаги Британия, Франция, Австрия, Япония каби мамлакатларнинг миллий кутубхоналари, Москвадаги Россия Давлат, кутубхоналарини мисол тариқасида айтиш мумкин. Эндиликда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси ҳам шубҳасиз ана шундай нуфузга эга бўлади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир", деган даъватлари эса ҳар биримизнинг китоб ва кутубхонага бўлган эътиборимизни яна бир карра оширади. Ишонамизки, энди кутубхона ёшларни ана шу руҳда камол топишида янада кўпроқ хизмат қилади.

**Ғайрат МАЖИД**

# БЕПАРВО БЎЛМАЙЛИК



Юртимиз фуқаролари ҳамда давлат мулкини асраб-авайлаш, турли тажовузлар ва офатлардан ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Айниқса, олов — "тилсиз ёв"нинг вайронакор кучи ҳалигача тўла жиловланган эмас. Айни ёнғинлар сабабли ҳар йили дунё бўйлаб минглаб одамлар бошпанасиз қолади, кўплар саломатлигидан айрилади, бировлар ҳаётдан бевақт кўз юмади. Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилотлар биноларида содир бўладиган ёнғинлар эса кишиларнинг самарали меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодиётга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Ана шундай кўнгилсизликларга йўл қўймаслик учун ҳар биримиз ёнғинга қарши ва унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Хусусан, ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари оловни жиловлаш юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бормоқда. Улар фуқароларимизга ёнғинларнинг келиб чиқишида кишиларнинг бепарволиги асосий сабаб бўлаётганини, лоқайдлик сабаб уй-жойлар куйиб кулга айланаётганини мисоллар ёрдамида тушунтириб бермоқдалар.

Ёш болаларни қаровсиз қолдириш ҳам аҳоли турар жойларида ёнғинга олиб келувчи сабаблардан бири ҳисобланади. Бола, барибир, бола-да, қаровсиз қолдирилса, ўзича гугурт ўйнаши, электр асбобларини ишлатиб кўриши мумкин. Табиийки, ёш бола ўз ишининг оқибатини тўла тасаввур қилолмайди.

Шу сабабли, ота-оналар фарзандларини оловдан эҳтиётлаш билан бирга, ёнғин хавфсизлиги қоидаларини ҳам ўргатиб боришса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Абдулла ОДИЛОВ,**
**Тошкент шаҳар 12-ҲЁХО кичик инспектори**

# ҲАВАСКОРЛАР ТАНЛОВИ

Республика халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар илмий-методик ҳамда ахборот марказида номоддий маданий мерос тарғиботига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда 29 ноябр — 6 декабрда Тошкентдаги "Фотосуратлар уйи"-да ҳаваскорларнинг республика кўрик-танловини ўтказиш ва ғолибларни аниқлаш масаласига эътибор қаратилди.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, "Олтин мерос" ва "Маҳалла" хайрия жамғармалари, Киноҳаваскорлар жамияти ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида ўтказилаётган танлов иштирокчилари миллатнинг ўзлигини намоён этувчи оғзаки ижролар, халқ амалий санъати ва ҳунармандчилик, рақс санъати, урф-одатлар, маросим ва байрамлар ҳамда табиат ва коинот билан боғлиқ билим ва кўникмалар акс этган фото, видеоасарларини тақдим этадилар. Танловда республикамизнинг барча вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ҳаваскорлар қатнашади.

**Ўз мухбиримиз.**

# ХОЛИСЛИККА НИМА ЕТСИН

Туркман адабиётининг мутафаккир шоири Махтумқули-Фироғий шеърияти билан ўзбек китобхонларини таништиришда таржимонларнинг хизматлари таърифга лойиқ. Бу ишга дастлаб таниқли олим, ёзувчи ва таржимон Жуманиёз Шарипов киришиб, 1958 йили шоирнинг "Танланган асарлар"ини ўзбек тилига таржима қилиб, "Фан" нашриётида чоп эттирган эди. Кейинчалик мазкур шеърий тўплам мухлисларнинг талаб ва эҳтиёжлари боис ўзбек тилида кўп нусхаларда уч марта қайта босилди.

Мустақиллик йилларида Махтумқули шеърларини ўзбек тилига қайта таржима қилишнинг янги босқичи бошланди. М.Аҳмад, Э.Очилов, М.Кенжабек, О.Тўраев, А.Жумаев ва Ж.Зулпиев сингари таржимонлар Махтумқули асарларини ўзбек тилига ағдариб, алоҳида-алоҳида нашр эттиришди. Бу таржималарнинг бадиий савияси ҳақида тўхталиб, фикр билдириш ниятимиз йўқ. Сабаби, бу мавзу махсус тадқиқотни тақозо этади. Биз мавзунинг бошқа бир қирраси – айрим мақолаларда Махтумқулининг баъзи таржимонлари меҳнатига, таржималарига баҳо беришдаги субъектив ёндашувлар, бошқачароқ айтганда, беписанда муносабатда бўлиш ҳолатлари тўғрисида сўз юритмоқчимиз.

2008 йилда "Ўзбекистон" нашриёти Абдумўмин Жумаев ва Жуманазар Зулпиев таржимасида Махтумқулининг "Сайланма" китобини ўзбек тилида чоп этди. Таржима асарлар савиясидан қониқиш ҳосил қилдик, уларда Махтумқули услубига хос бадиий талқин ва бошқа хусусиятлар аслиятдагидек берилган. Ушбу китоб яна бир жиҳати билан диққатимизни тортди. Унга Махтумқулининг "Оқ ит" ва "Чақир калла" номли икки асари киритилган. Профессор Н.Комилов "Сайланма"га ёзган сўзбошида бу икки шеърни "кичик достон" деб атайди. Бу янги фикр. Махтумқулининг турли йилларда ўзбекчада нашр этилган китобларининг ҳеч бирида, шоир ижоди тўғрисидаги тадқиқотларда ҳам унинг достон ёзгани ҳақида маълумот учрамайди. Бу асарларнинг биринчи марта ўзбекчалаштирилиб ўқувчиларга етказилгани Махтумқули лирикасининг мавзу доираси, жанри хилма-хиллиги хусусида яхши тасаввур беради.

Ушбу "Сайланма"нинг аввал ўзбек тилида нашр этилган шоир китобларидан яна бир фарқи шундаки, А.Жумаев ва Ж.Зулпиев ҳозирга қадар ўзбек китобхонларига маълум бўлмаган, диний мазмундаги Махтумқули шеърларини ҳам ўзбекчалаштириб, мухлисларга тақдим қилган. Китобхонлар уларни ўқиб, Махтумқули нафақат ахлоқий-маърифий шеърларнинг моҳир ижодкори, шунингдек, тасаввуф руҳида шеърлар, достонлар ёзишда туркман, қолаверса, Шарқ мумтоз адабиётида ҳам катта салоҳиятга эга қалам соҳиби бўлганига ишонч ҳосил қилади.

Мазкур таржиманинг бадиий савиясини умуман эътироф этган ҳолда, унга илова қилинган филология фанлари номзоди М.Азимовнинг "Меҳнат ва маҳорат меваси" сарлавҳали мақоласидаги баъзи фикрлар бизда эътироз туғдирди. Мақола катта эмас, икки бет. Лекин шу икки саҳифада анчамунча мунозарали фикрлар бор. Унда, асосан, таржимонлардан бири Абдумўмин Жумаев (тахаллуси Шийх Абдол Мўмин) ҳақида батафсил маълумот берилади, яъни А.Жумаевнинг бирор олий ўқув юртини тугатмаган бўлса-да, адабиётни, шеъриятни бир адабиётшуносдан кам билмаслиги, ҳар икки – ўзбек ва туркман тилида бирдай шеърлар ёза олиши, 25 йилдан бери Махтумқули шеърлари таржимаси билан шуғулланиб келаётгани, шоир ижодини тўла таҳлил қилиб чиққани, шунинг учун "унинг таржималари Махтумқули таржимонлари ағдармалари ичида энг яхшиси" эканлиги ҳақида гапирилади. Ҳатто мақоланинг ўртароғида: "Агар Махтумқули ўзбек бўлганида, худди шундай ёзар эди", деган жумлани ҳам қистириб ўтади. Умуман, А.Жумаев ва Ж.Зулпиевнинг Махтумқулидан қилган таржималарига мақола муаллифи юқори баҳо беради. Бу фикрларга бутунлай қарши эмасмиз, қисман қўшиламиз. Лекин негадир иккинчи таржимон – Ж.Зулпиев ҳақида мақолада ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг таржимонлик фаолияти умуман тилга ҳам олинмаганига, очиғи, тушунмадик.

Мақоланинг бизда эътироз туғдирган бошқа бир жиҳати бор. Бир вақтлар Махтумқулидан таржима қилиб, ўзбек китобхонларини хушнуд этган, шоир меросининг Ўзбекистонда кенг ёйилишига салмоқли ҳисса қўшган таржимонлар фаолиятига нисбатан мақолада жиддий танқидий фикр айтилган. Бу танқид мақола муаллифи номидан эмас, балки мақолада А.Жумаев фикри сифатида келтирилади. Мана, мақоланинг ўша жойи: "Ўтган асрнинг 50-йилларида олим Жуманиёз Шарипов Махтумқули бобомизнинг шеърларидан бир қисмини ўзбекчалаштириб, элга тақдим этди. Шўроларнинг худосизликка асосланган сиёсати таъсири яққол билиниб турган у *таржималар ўз даври учунгина ярокли эди* (таъкид бизники — К.Қ.), десак ҳақиқатдан узоқлашмаган бўламиз. Сўнг бу ишга ёш таржимон Музаффар Аҳмад уриниб кўрди. Унинг ҳам тилни яхши билмаслиги ва Махтумқули меросини юзаки



ўрганиб, таржима қилгани муваффақиятсизликка сабаб бўлди.

2004 йилда эса Мирза Кенжабек бу ишга қўл урди. Афсуски, унинг таржимаси энг муваффақиятсиз бўлиб, Махтумқули руҳияти, услубидан жуда йироқ эди. Ана шу муваффақиятсиз ўгирмалар мени таржима ишига қатъийроқ киришишга ундади...".

А.Жумаев фикрига кўра, унгача Махтумқули ижодидан қилинган таржималар муваффақиятсиз, талабга жавоб бермайди. Бундай қатъий ҳукм, яъни барча таржималарни яроқсизга чиқариб, улардаги ютуқлардан кўз юмуш тўғримикан? Ж.Шарипов таржималарида камчиликларга йўл қўйилгани ҳақиқат. Бу фикр ўз вақтида таржимашуносликда мисоллар билан таҳлил қилиб кўрсатилди. Бироқ ҳеч бир мақолада Ж.Шарипов таржималари фақат "ўз даври учунгина ярокли, бугун аҳамиятини йўқотди", деган фикр, бизнингча, айтилган эмас. Аксинча, Ж.Шариповнинг бу ижодий меҳнатига ўша даврда ҳам, ҳозир ҳам кўпгина илмий тадқиқотларда ижобий баҳо берилди. Ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ атоқли олим Ғайбулла Саломов таржимашуносликка доир тадқиқотларидан бирида Ж.Шариповнинг таржимонлик фаолияти хусусида сўз очиб, унинг Махтумқули шеъриятидан қилган таржималарининг камчиликларини қайд этгани ҳолда, ютуқларини ҳам кўрсатиб, ижобий баҳолаганди. Олим шундай деб ёзган эди: "Туркман шоири Махтумқулининг кўзда ёши билан жўшиб ёзган ажойиб шеърлари халқимизнинг тилига тушган, уни дилида севиб куйланмоқда. Бу – туркман шоири ва у билан баравар ўзбек таржимони(Ж.Шарипов – К.Қ.)нинг ҳам ижоди элга, халққа, шеър ихлосмандларига манзур бўлди, деган сўз".

Академик Б.Назаровнинг Ж.Шарипов таржималари ҳақидаги қуйидаги фикрлари мавзуга доир асл ҳақиқатнинг илмий хулосаси, десак хато бўлмас: "Бу ноёб ижодни (Махтумқули ижоди назарда тутилмоқда – К.Қ.) ўрганиш, ўзбек тилига ўгириш, кенг оммалаштиришда йирик таржимашунос олим ва мутаржим Жуманиёз Шарипов катта ишларни амалга оширди... бу таржималар ўз даври талабларига жавоб берди, бинобарин, унинг таржималаридан, хусусан, муҳтарам Жуманиёз Шариповдан миннатдор бўлишимиз керак".

Таржимон ва адабиётшунос Э.Очиловнинг Жуманиёз Шарипов таржималари хусусидаги мана бу фикрлари таржимон фаолиятига холис баҳо беришнинг яхши намунаси: "Жуманиёз Шарипов таржималари Махтумқулини

## Таржима — юксак санъат

халқимиз орасида иккинчи марта чинакамига машҳур қилди. Агар бу таржималар муваффақиятсиз чиққанда қайта-қайта нашр этилмас, "Бўйларингга", "Кўринг", "Тўхтамас", "Айлар", "Намасан", "Юргинг келади", "Айрилдим", "Бўлмаса", "Қарамас", "Бўлмас" каби бир неча ўнлаб шеърлар ҳофизлар тилига тушиб, қўшиққа айланмас эди" ("Ўзбек тили ва адабиёти", 2008, 5-сон). Таржимон ва шоир М.Кенжабекнинг Жуманиёз Шарипов таржималари юзасидан билдирган эътирофи нафақат унинг фикри, балки Махтумқули шеърларини ўзбек тилига ўгирган ҳар бир таржимоннинг дил сўзидек туюлди бизга: "Оғир мустамлака замонларида Махтумқули шеъриятини такрор-такрор ўзбек китобхонларига тақдим этган муҳтарам таржимон Жуманиёз Шарипов шоир ижодига қўл ураётган барча янги таржимонларга ҳақли устоздир. У кишининг тажриба мактабидан биз ҳам баҳраманддирмиз".

Ҳатто Махтумқулининг ушбу "Сайланма" китобига сўзбоши ўрнида илова қилинган профессор Н.Комиловнинг "Халқ ёдиндан айрилма" мақоласида ҳам: "Махтумқули-Фироғий халқимизнинг севимли шоирларидан. Унинг асарлари ўтган асрнинг ўрталарида Ж.Шарипов томонидан танланма шаклда таржима қилиниб, нашр этилган эди", деб ёзилган, лекин "бу таржималар ўз даври учунгина ярокли эди" қабилида бирор фикр айтилган эмас.

Булардан ташқари С.Мамажонов, С.Ғаниева, Ҳ.Абдуллаев, Ж.Юсупов, М.Сапаров, М.Тайлақова каби олимлар ҳам турли йилларда эълон қилинган мақолаларида Ж.Шарипов таржималари ҳақида сўз юритиб, таржималарнинг хатоларини кўрсатиш билан бирга, ютуқларини ҳам четлаб ўтмаган эдилар.

Албатта, ҳар қандай бадиий таржимада камчиликлар учрайди. Ж.Шариповнинг Махтумқули шеъриятидан қилган таржималари ҳам бундан мустасно эмас. Лекин баъзи шеърлар таржимасидаги хатоликлар китобдаги барча таржималар яроқсиз дейишга, бизнингча, асос бўла олмайди. Агар Ж.Шариповнинг Махтумқулидан қилган таржималари яроқсиз бўлганида қисқа муддатларда тўрт марта, жуда кўп нусхада (25 минг, ҳатто айримлари 150 минг нусхада) қайта нашр қилинармиди?

Хуллас, бу масалада бир томонлама фикр юритиш таржимон меҳнатини қадрсизлантиради, ҳатто камситишга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, таҳлил жараёнида ҳар икки жиҳат ҳам – таржиманинг муваффақиятлари ҳам, камчиликлари ҳам инобатга олиниши мақсадга мувофиқ.

А.Жумаев ва Ж.Зулпиевнинг баъзи бир таржималарини Ж.Шарипов таржималарига қиёслаб кўрдик. Айрим шеърларнинг таржималари Ж.Шарипов таржималаридан фарқ қилмайди, ҳатто сўзма-сўз тўғри келади. Баъзи мисолларга диққатингизни қаратамиз:

Ж.Шарипов таржимаси:

**Қарақчими, ё саидми, хўжами,**
**Ё соқийми, ё шаробми, ё жоми,**
**Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,**
**Ё оймисан, ё кунмисан, намасан?**

*(Махтумқули, Танланган асарлар, "Фан", Т., 1958, 66-бет).*

А.Жумаев ва Ж.Зулпиев таржимаси:

**Қароқчими, ё сайидми, хўжами,**
**Ё соқийми, ё шаробми, ё жомми,**
**Ё йилмисан, ё кундузми, кечами,**
**Ё Оймисан, ё Кунмисан, намасан?**
*(165-бет)*

Кейинги таржимада "Ой", "Кун" сўзларининг катта ҳарфлар билан ёзилганини истисно қилсак, қолганлари Ж.Шарипов таржимасининг айнан ўзи. Яна бир мисол.

Ж.Шарипов таржимаси:

**Махтумқули шукр эттил худога,**
**Ўлим баробардир шоҳу гадога,**
**Бесабр қул тез йўлиқар балога,**
**Сабрлик қул бора-бора шод бўлар.**
*(139-бет)*

А.Жумаев ва Ж.Зулпиев таржимаси:

**Махтумқули, шукур эттил Худоға,**
**Ўлим баробардир шоҳу гадоға,**
**Бесабр қул тез йўлиқар балоға,**
**Сабрлик қул бора-бора шод бўлар.**
*(70-бет)*

Бу таржиманинг, "г" ҳарфининг "ғ"га айлантирилганини айтмаса, Ж.Шарипов таржимасидан бирор ўзгачалиги бормикан? Бизнингча, ҳеч қандай фарқи йўқ.

Бундай мисолларни яна келтириш, қиёслаш мумкин. Бу хилдаги "эгизак" таржималар билан танишар эканмиз, мутаржимлар Махтумқулининг айрим шеърларини ўгираётганда Ж.Шарипов таржималаридан фойдаланмадимикан, деган фикр хаёлимиздан ўтганини яширмаймиз.

Бу мулоҳазалар А.Жумаев ва Ж.Зулпиев таржималарининг аҳамиятини пасайтирмайди, албатта. Таржиманинг фазилатлари кўп. Лекин бир фикрни таъкидламоқчимиз. Ж.Шарипов таржималари, муаллифлар айтганидек, фақат "ўз даври учунгина ярокли" бўлиб қолмасдан, балки ҳозирги авлод, бугунги шеърият мухлислари учун ҳам маънавий тарбия қуроли вазифасини ўтаб келмоқда.

М.Азимов мақоласида М.Аҳмад, М.Кенжабек таржималарига нисбатан айтилган танқидий фикрларга ҳам тўла-тўкис қўшила олмаймиз. Ҳар икки таржимоннинг Махтумқулидан таржималарини муваффақиятсизликка учраган таржималар деб мутлақ ҳукм чиқариш, мутаржимларни туркман тилини яхши билмасликда айблаш унчалик тўғри эмас. Албатта, уларнинг таржималари ҳам камчиликлардан холимас. Лекин бу фикр уларнинг таржималари умуман муваффақиятсиз, улардан воз кечиш керак, деган маънони англатмайди. Гапнинг очиғи, ҳар икки мутаржимнинг ижодий меҳнатини, таржималарини юз фоиз йўққа чиқариш, ютуқларини бутунлай инкор этиш адолатдан бўлмаса керак.

Махтумқулининг ўзбек таржимонлари фаолияти билан боғлиқ мулоҳазаларимизни академик Б.Назаровнинг қуйидаги фикрлари билан якунласак, ўйлаймизки, М.Азимов мақоласида баъзи таржимонларга нисбатан билдирилган танқидий фикрларга ўринли жавоб бўлар: "Таниқли шоир Мирза Кенжабек, Шарқ шеъриятининг нозик билимдони ва таржимони Эргаш Очил, қозоқ, туркман, қорақалпоқ шеърияти намуналарини ўзбек тилига муваффақият билан ўгираётган шоир Музаффар Аҳмад ва бошқаларнинг Махтумқули ижоди юзасидан амалга оширган янги нашрлари, мақола ва таржималари Махтумқули асарларининг янги-янги қатламларини очишга муносиб ҳисса қўшмоқда" ("Ўзбек тили ва адабиёти", 2008 йил, 5-сон).

**Каримбой ҚУРАМБОЕВ,**
**филология фанлари доктори,**
**профессор**

*Нукус*

# ЗАРАФШОН АДАБИЙ МУҲИТИ ТАЛҚИНИ

## Тақриз

Адабиётимизнинг қайси даврига мурожаат қилмасин, тадқиқотчилар фақат ўқувчиларга эмас, ҳатто илмий жамоатчиликка ҳам яхши таниш бўлмаган эътиборга молик асарларга, халқ дарди, юрт қайғуси билан яшаган ижодкорлар номларига дуч келиши тайин. Уларни ўрганиш, амалиётга татбиқ қилиш эса, маънавий оламимизни бойитиши шубҳасиз. Шунинг учун ҳам, қадимий қўлёзмаларга жо бўлган бебаҳо маърифий хазинани кенг халқ оммасига етказиш, ундан жамият маънавиятини юксалтиришда фойдаланиш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

XX аср бошлари ўзбек адабиёти тараққиётини даврлаштиришда шундай тенденция кузатилади. Хусусан, Отажон Ҳошим XIX асрнинг охирларигача бўлган адабиётимизни умумлаштириб, чиғатой адабиёти, деб атайди. Унингча, ҳазрат Алишер Навоий даври адабиётнинг юксалган, ундан кейинги миллий уйғониш давригача бўлган босқичи эса, таназзул давридир. Мазкур адабиёт тараққиётининг иккинчи даври жадид адабиёти, деб ҳисоблайди олим. Бу фикрни асослаш учун етарли далиллар бор эди. Бу давр адабиёти, бадиият талабларига кўра, Навоий даври адабиётига тенглаша олмаса-да, юксак инсоний туйғуларни ватанпарварлик, тараққийпарварлик, эрк ва озодлик ғояларига уйғун тарзда юқори даражада тараннум этгани билан характерланади. Ахборот воситалари кам бўлган, техника, технология ривожланмаган бир замонда адабиётнинг бундай фаоллашуви ижтимоий тараққиётга нечоғли таъсир ўтказганини тасаввур этиш мумкин. Олим ва шоир Исмат Санаевнинг "XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити" («Tafakkur» нашриёти) монографияси айнан ушбу мавзу тадқиқига бағишланган.

Бу мавзуни ўрганиш XX аср аввалидаёқ бошланган эди. Абдулла Бадрий, Отажон Ҳошим, Вадуд Маҳмуд, Абдулҳамид Мажидий жадид адабиёти Зарафшон муҳитининг сўнгги намояндалари ҳаёти ва ижоди ҳақида кичик-кичик тадқиқотлар яратганлари маълум. Кейинги даврда В.Абдуллаев, Б.Валихўжаев, Р.Ҳодизода, Б.Қосимов, У.Долимов, Р.Орзибеков, М.Маҳмудов, И.Салоҳиддинов, Р.Фозилова, Ш.Сирожиддинов каби олимлар мазкур ҳудудда яшаб, ижод қилган адиблар, улар меросига доир илмий изланишлар олиб борганлар. Шунга қарамай, Зарафшон адабий муҳити етарли даражада ўрганилмаган эди. Исмат Санаевнинг мазкур рисоласи ана шу масала тадқиқига бағишлангани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Китобнинг миллий уйғониш даври Зарафшон адабий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари ёритилган илк бобида дастлаб водийнинг маъмурий бўлиниши, улардаги адабий тўгараклар вакиллари ҳамда улар асарларининг ўрганилиши масалаларига тўхталинади. Келтирилган маълумотлар таҳлили, чиқарилган умумлашмалар муаллифнинг давр ва муҳитга доир манбалар ҳамда уларнинг тадқиқи билан анча чуқур танишганини кўрсатади. Хусусан, Зиёвуддин, Хатирчи, Боғчаикалон, Нурота, Ғужумсарой, Янгиқўрғон ва Каттақўрғондаги адабий ҳаёт ҳақидаги фикрлар, кузатишлар бунинг далилидир.

Олим 1869 йили Бобо Алимбой ўғли бошчилигида чоризм истилосига қарши олиб борилган озодлик ҳаракатига алоҳида эътибор қаратади. Ўзбек халқи миллий қаҳрамонларидан бирининг номи билан боғлиқ бу ҳаракатнинг халқ оғзаки ижоди, умуман, ижодий жараёнга таъсири етарли ўрганилмагани, ҳақиқий баҳосини олмагани таъкидланади. Тадқиқотчи ҳар қандай адабий муҳит тараққиётида халқ вакилларининг ҳис-туйғулари, орзу-истаклари билан бирга, уларнинг рағбати ва иштироки ҳам ҳал қилувчи аҳамиятта эга, деб ҳисоблайди. Ҳусайний, Бобур, Шайбоний, Убайдий, Амирий, Хон ва Феруз кабиларнинг шундай адабий юксалишдаги хизматлари алоҳида аҳамиятга эгалиги бунга мисол қилиб кўрсатилади. Маҳаллий халқнинг чоризм истилосига қарши кураши, бу кураш асносида ҳис-туйғуларнинг жунбушга келиши, озодликка интилишнинг кучайгани Зарафшон водийси адабий муҳити тараққиётига хизмат қилди. «Бу адабий муҳитнинг қамрови кенг, манбалари бисёр, — деб ёзади муаллиф. — Шу боис ана шу муҳит вакилларидан эътиборга лойиқ ҳисобланган Мирзо Салимий, Ожиз Таржимон, Олим Девона, Нодим Зиёвуддиний, Ҳашмат, Ҳаё, Носирхон тўра, Садрзиё, Бебок-Назм, Мирзо ижодиёти мисолида фикр юритиш билан чекланамиз». Китобнинг ушбу бобида ўтган аср бошлари Зарафшон адабий муҳити намояндалари ҳаёти ва ижодининг диққатга сазовор жиҳатлари ишончли манбалар асосида тадқиқ қилинган.

Олим Девона ва унинг «Равзаи асрор» асари тадқиқига бағишланган бобнинг «Олим Девона — истеъдодли шоир» номли иккинчи фасли адабий манбашунослик усулида ёзилган бўлиб, шоирни Девона тахаллуси билан ижод қилган бошқа шоирлардан фарқлатувчи манбаларга, маълумотларга диққат қаратилади. Олим Девонанинг ҳаёти, фаолияти, ижтимоий аҳволи, маънавий қиёфаси, адабий меросига доир қўлёзмаларга мурожаат этилиб, улар қиёсий-тарихий услубда таҳлил қилинади, эътиборга молик хулосаларга келинади. Шоирнинг «Равзаи асрор» асарининг адабиётимиз тарихида тутган ўрнига ойдинлик киритилади.

Маълумки, мусулмон Шарқида «Юсуф ва Зулайхо» қиссаси жуда машҳур. Халқ оғзаки ижодида ҳам унинг ўзига хос варианти яратилган. Форс адабиётида Абдулмуайяд Балхий, Фирдавсий, Шаҳобиддин Амъақ, Абдураҳмон Жомий, Нозим Ҳиравий, Салоҳий кабилар «Юсуф ва Зулайхо» достонларини яратганлар. Исмат Санаев мазкур номдаги яна бир насрий қиссанинг Лондонда сақланаётганини, XIV асрда яҳудий шоири Шоҳин Шерозий ҳам шундай достон ёзганини таъкидлайди. Туркий адабиётнинг вакиллари ҳам бундан мустасно эмас. Умуман, «Равзаи асрор» таҳлилига киришишдан олдин «Юсуф ва Зулайхо» мавзусининг ишланиши китобда батафсил тавсифланади. Шундан сўнг «Равзаи асрор»нинг яратилиш сабаблари, унинг Олим Девона талқинидаги мавзу ва ғояси, бадиий хусусиятлари таҳлил этилади.

Каттақўрғон ва унинг атрофида яшаган шоирларнинг асарларини тўплаган Абдулҳамид Мажидийнинг маълумотига кўра, Нодим Зиёвуддиний ўз шеърларини тўплаб, девон тузган. Лекин ҳозиргача бу девон топилган эмас. Исмат Санаев Нодим асарлари киритилган нодир қўлёзма, тошбосма тазкира, баёз ва мажмуаларни аниқлаган. Жумладан, ишончли манбалар — Афзал махдум Пирмастийнинг «Афзалу-т-тазкор фи зикри-ш-шуаро ва-л-ашъор» (ЎзР ФА Шарқшунослик институти хазинаси, 2303-рақамли қўлёзма) тазкираси, Ҳашмат қаламига мансуб «Тазкирату-ш-шуаро»нинг икки варианти (мазкур хазинадаги 61- ва 2729-рақамли қўлёзмалар) асосида Нодим ҳаёти ва ижодий фаолиятига доир қимматли маълумотларни тўплаган.

Маълум бўлишича, Нодим Алишер Навоий ижодига улкан ҳурмат билан қараган ва улуғ мутафаккирни ўзига устоз деб билиб, Шарқ шеъриятига хос анъаналарни ўзлаштирган, уларни давом эттирган, Навоий ғазалларига мухаммаслар; Абдураҳмон Жомий, Мирзо Бедил, Эшонхожа Вола Амирий, Мирзо Соиб Исфаҳоний, Ҳозиқ, Муҳйи каби сўз санъаткорлари ғазалларига ҳам мухаммаслар боғлаган. Нодимнинг бир неча ғазаллари, мусаббаълари аниқланган, шоирнинг мувашшаҳ, муболаға, ўхшатиш, иқтибос, лутф, истиора, таъдил, иғроқ, таблиғ сингари бадиий санъатлардан моҳирона фойдалангани мисоллар орқали далилланган.

Китоб ўн беш банддан иборат хулосалар билан якунланади. Бу хулосалар муаллифнинг илмий кузатишлари умумлаштирилгани билан алоҳида аҳамиятга эга. Лекин китобни нашрга тайёрлашда баъзи жузъий камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Жумладан, 13-бетда «Зарафшон водийсининг ўрта қисмида ҳозиргача куйланиб келинаётган қуйидаги қўшиқ Миёнкол халқининг ўзига хос аламига ўхшайди» жумласидан кейин қўшиқ матни келтирилмаган. Нодим тахаллусли шоирлар қаторидан сўнг Надим тахаллусли шоир ҳақида тўхталингани (95-бет), бундан ташқари,

*Кўнгли киби бор эди вайронае,*
*Қилди ватан* ***ўйла ки*** *девонае.*
Ёки:
*Ким бор эди ул куни ҳам бу хаёл,*
*Тифл сўзи қилди мани* ***гангу*** *лол —*

байтларида биз таъкидлаб кўрсатган сўзларнинг ёзилиши мақсадга мувофиқ эмас. Бизнингча, бу сўзлар «уйлаки», «гунгу» тарзида берилиши лозим. Бундай айрим хатолардан қатъи назар, ушбу тадқиқот Исмат Санаевнинг узоқ йиллар олиб борган илмий изланишлари самараси сифатида ишончли манбаларга асосланиб ёзилгани, маълумотларга бойлиги билан адабиётшунослигимиз ривожига қўшилган ўзига хос ҳисса эканини эътироф этиш керак.

**Нафас ШОДМОНОВ,**
**филология фанлари доктори**



# "ОНАМ ЭККАН РАЙҲОНЛАР" АТРИ

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти шоир Зикрилла Неъматнинг "Онам эккан райҳонлар" номли сайланма китобини нашр этди. Китобга шоирнинг турли йилларда битган шеърлари, ғазал ва мухаммаслари, "Ҳамроз Биби армони" балладаси, "Омонхона ёки Бойсун сафари" достони ҳамда турли халқлар шоирлари шеърларидан таржималари жамланган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти лауреати Омон Мухтор китобга ёзган сўзбошида таъкидлаганидек, Зикрилла Неъматнинг шеърлари, асосан, халқона оҳангларга йўғрилган. Шу боисдан ҳам айримлари қўшиққа қилиб куйлаб келинади. Шоир оҳорли ташбеҳлар воситасида образли ифодалар орқали сўзлашга интилади. Баъзи мисралар замиридаги қувноқ оҳанглар ёшлик ғайрати билан фидойи аскар қалбидаги сурурга уйғунлашиб кетгани сезилади. Муҳими, шеърлардаги юртга, халққа, ёрга садоқат туйғуларининг тараннуми ибратлидир.

Зотан, эзгуликни, нафосатни ҳимоя қилиш, қалб гўзаллигини асраб-авайлаш, инсон маънавиятини юксалтиришда шеъриятнинг, сўз санъатининг аҳамияти беқиёс. Бу мазмун "Шоир Эркин Воҳидов насиҳати" шеърида шундай ифодаланади:

**Дунёда икки хил шеър бордир, укам,**
**Бири гуллардай пок, башорат монанд.**

## Доимий ҳамроҳ

**Иккинчиси эса назм боғида —**
**Минғирлашиб юрган ҳашорат монанд.**

**Сен асло ранжима, билсанг гул қадрин,**
**Тинмай экавергил башоратлардан.**
**Вақт келиб, сен эккан шу гуллар атри**
**Боғни халос айлар ҳашаротлардан.**

Устозлар шеъриятига хос шарқона ҳикмат, топқирлик ва ҳозиржавоблик, фикрни аниқ ва лўнда ифодалаш маҳорати ушбу шеърда ёрқин намоён бўлган.

"Метафора — истиора кучлими ёки ўхшатиш?" деган саволга мумтоз шоирларимиздан бири "Истиора кучли!", деб жавоб берган экан. Зикрилла Неъмат шеърларида ҳам ана шундай истиоралар кўп: "Одамзод суянчга ишониб эмас, Ишончга суяниб яшамоғи шарт", "Ватан ишқи ёниб турсин юрагингда, Тушган жойни куйдиргувчи чўғ, бўл, дўстим! Ғанимларнинг тундек қора юрагига Чақмоқ каби санчилгувчи ўқ бўл, дўстим!".

"Онам эккан райҳонлар" китобининг сўнгги саҳифаларида адабиётшунос Исломжон Ёқубовнинг "Туғён ва иймон рамзи" сарлавҳали мақоласи ҳам берилган. Унда Зикрилла Неъмат шеърларининг бадиий хусусиятлари таҳлил этилган.

Нашр муҳаррири Барнобек Эшпўлатов, бадиий муҳаррир Акбарали Мамасолиев, мусаввирлар Муроджон Унгаров, Тимур Саъдулла.

**Рустам МУСУРМОНОВ**



# "ЖАҲОН АДАБИЁТИ"

## 2011 йил, октябр ойи сони

"Тарихий шахс феномени тушунчаси билан доимо ёнма-ён юрадиган, инсонни, йўлбошчини буюк шахс даражасига олиб чиқадиган шундай бир тушунча борки, бу буюк маънавий жасорат тушунчасидир.

Бу ҳақда фикр юритганда, шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, илм-фанга, ижтимоий-фалсафий тафаккуримизга "маънавий жасорат" тушунчасини олиб кириб, уни илмий-фалсафий томондан асослаб берган Президентимиз Ислом Каримовдир", деб ёзади адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов "Тарихий шахснинг ўрни ва маънавий жасорат феномени" мақоласида.

Журналнинг ушбу сонида ёш таржимонлар Саиджалол Саидмуродов ва Дилдора Отақулованинг О.Генри, В.В.Жекобс, С.Ж.Крейн ҳикоялари таржималари, Кнут Гамсуннинг "Очлик" романи давоми берилган.

"Қутадғу билиг" — зарофатли достон. ...кейинги пайтда уни тез-тез қўлга олаётирман. Достон тарихий-илмий, ижтимоий-фалсафий қийматию юксак бадиияти, сеҳрли жозибаси, юксак инсоний фазилатлар тараннуми билан аста-секин ўзига ром қилар, уни ҳозирги тилимизга табдиллаштира бошлаганимни сезмай қолдим", деб ёзади шоир Абдуҳамид Пардаев. Демак, журналнинг ушбу

## Журналларни варақлаганда

сонида "Қутадғу билиг" табдилининг айрим боблари билан танишасиз. Қисқа умри давомида ўзидан ёрқин ва жарангдор шеърий мерос қолдирган машҳур шотланд шоири Роберт Бёрнснинг бир туркум шеърларини рус тилидан Муҳаммад Али таржимасида ўқийсиз.

Журнал мундарижасини тарихга, фалсафа ва адабиётшуносликка доир асарлар, тадқиқот ва мақолалар бойитгани шубҳасиз. Академик Неъматуллоҳ Иброҳимовнинг "Машҳур жаҳонгашта" сарлавҳали сўзи билан бошланган Ибн Батутанинг "Саёҳатнома" асаридан айрим намуналар, Абдулла Шернинг "Экзистенциализм ва Шарқ фалсафаси" тадқиқоти, Хуан Кабонинг "Лоркани отганлар" (М.Мирзо таржимаси), Зулхумор Мирзаевнинг "Адабиёт ва "мафкуравий кураш" мақолалари ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиши тайин.

Шунингдек, журналнинг ушбу сонида Лев Толстойнинг хатларини (Ортиқбой Абдуллаев таржимаси), Д.Юсупова ва С. Қуроновнинг "Навоийнинг форсий ғазаллари" мақоласини, Маҳкам Маҳмудовнинг "Машраб асарлари учун луғат ва изоҳлар" (муаллиф А.Жаббор), Амир Файзулланинг "Жанубий, Жануби-шарқий ва Шарқий Осиё халқлари қадимги тарихи, диний эътиқоди, маданияти" (муаллиф Н.Низомиддинов) китобларига тақризларини ўқийсиз.

Француз саргузашт адабиётининг бетакрор намояндаси Густав Эмарнинг "Соҳибчангал" романи (рус тилидан Эркин Носиров таржима қилган) журналнинг ушбу сонидан бошлаб эълон қилинган.

Зулфия МЎМИНОВА

# ЁҒДУЛАРГА ТЎЛГАНДА ТОНГЛАР



## ВАТАН ДЕГАН СЎЗ

Ота, умрим ўтгани сайин,
Яқин келди Ватан деган сўз.
Шундан ўтган куним азиздир,
Шундан келар кунларим азиз.

Ватан деган сўз билан боғлиқ
Қайғум гўзал, қувончим гўзал.
Кўзларимнинг иссиғи шу сўз,
Ҳаётимнинг мазмуни ўшал.

Булоқлари дардимга дармон,
Шамоллари олтин тароғим.
Тупроғини кўзимга суртсам,
Равшан тортар чашми қароғим.

Ватан десам, онам келади
Оқ рўмоллар ўраб бошига.
Мен онамдан қарздор каби
Қарздорман шу сўз қошида.

Китоб билан нонни тенг кўрган
Улуғлар дарсхонаси – Ватан.
Меҳнат билан сочи оқарган
Онагинам онаси – Ватан.

Ҳумо қуши безаб турибди
Қомусининг ҳошиясини.
Тонгда туриб куйлар қушлар ҳам
Ўзбекистон мадҳиясини.

* * *

Менинг боболарим йиғлаб келганни
Кўз ёшларин артиб икромлар этган.
Менинг момоларим сув сўраганга
Кумуш косаларда шарбатлар тутган.
Мен ким хонлар берган, султонлар берган
Қутлуғ Нигорларнинг зурёдидирман.
Соҳибқирон севган Бибихонимнинг –
Сароймулк хонимнинг авлодидирман.
Менинг боболарим муҳаббат ҳаққи
Тошларни тарошлаб Тожмаҳал этган.
Менинг момоларим Алпомишини
Умр тўлгунча кутган, ўла-ўлгунча кутган.
Менинг боболарим ҳаром-ҳаришни
Эшигин ёнидан ўтказмаганлар.
Менинг момоларим қушчаларни ҳам,
Бир ҳовуч дон бермай кетказмаганлар.
Мен ҳайратларим гулзотларимнинг
Жонидан жонимга ўтган ганжина.
Мен шеър ёзмишим нур зодларимнинг
Қонидан-қонимга ўтган хазина.
Гуллари қизларга айланган боғлар:
Боғидилкушо бу, Боғишамол бу.
Қизлари гуллардан жозиб чорбоғлар,
Соҳиби камол бу, ойга тимсол бу.
Ватан деганимда кўзимда қалққан
Севинч ёшларимни артурман мен ҳам.
Ватан – дея келиб, Ватан – деб кетган
Асл зотларимга тортурман мен ҳам.

## ДУНЁ

Дунё яхши, дунё гул дедим,
Дунё ёмон, деди ёмонлар.
Яхшиларга етиб боргунча
Юрагимни еди ёмонлар.

Майингина силади оққуш,
Юзларимни ювди найсонлар.
Мен йиғладим, мен қўшиқ айтдим,
Ғийбат қилиб чопди ёмонлар.

Қўлларимни ялади оҳу,
Пойимга бош қўйди қоплонлар.
Топган ҳар бир яхши сўзимни,
Ёмонликка йўйди ёмонлар.

Нималарни кўрмади бошим,
Гоҳ енгилдим майли, хўп дедим.
Ким кўп дея сўраганларга
Бу дунёда яхши кўп дедим.

Ёғдуларга тўлганда тонглар
Мен – худога ёлғиз қул дедим.
Дунё ёмон деди ёмонлар,
Дунё яхши, дунё гул дедим.

* * *

Сўзингиз ширинки бол боғлаб новвотга келибдир,
Кўнглингиз нозикки парилар иззатга келибдир.
Бу хил иззатаро, илтифотаро
Дунё кўркка келибдир, таровотга келибдир.

Топиб сўз айтишга интизор Бедил,
Сиздан сабоқ сўраб ижозатга келибдир.
Қушлар тонг чоғида, бомдод чоғида
Сизга қўшилибдир, ибодатга келибдир.

Таваллуд кунингиз булбул ғазалхон
Бешигингизга қўниб маҳоратга келибдир.
Атиргул ғунчалаб, меҳр кўпайиб,
Борлиқ яшилланиб, ҳароратга келибдир.

Айни гул чоғингиз, йигит чоғингиз,
Мажнун ила Фарҳод хизматга келибдир.
Нур истаган ёрки, ёр истаган борки,
Узлатни тарк этибдир, улфатга келибдир.

Сизким бир Бобурий, Сизким Темурий
Дунё хазинага, давлатга келибдир.
Хазинага топилмас, давлатга топилмас,
Муҳаббатга келибдир, муҳаббатга келибдир.

Жўра МУҲАММАД

# КЎЗ ЎНГИМДА ГУЛЛАБ БОРАР КУЗ



Ташқарида кезинади куз,
Аста-секин совиб борар кун.
Лабда қотган ҳайрат тўла сўз,
Қалтирайди дарахтлар юпун.

Деразамга урилар шамол,
Уринади, кирмоқ бўлади.
Юрагимнинг дафтарин титиб,
Ўз суратин кўрмоқ бўлади.

Югуради булут сарсари,
Яшинмачоқ ўйнайди офтоб.
Чопонимга ўранган куйи,
Сен ҳақингда ўйлайман шу тоб.

Кўзларимда чақнайди чақин,
Қоришиқдир соғинч, ҳам алам.
Бу ҳолимнинг шарҳин сўйламоқ
Бўлиб, ожиз қолади қалам.

Хаёлингга борарман қочиб,
Оловларга айланади сўз.
Нигоҳингга чўмганим сари
Кўз ўнгимда гуллаб борар куз.

* * *

Ой кезинар шикаста, ғариб,
Булутларни ютади қоя.
Сен чиқарсан секин сирғалиб,
Чизмоқ бўлар суратинг соя.

Ҳасратларда бўлмай деб адо,
Эргашади умид паришон.
У келади, албатта келар,
Муҳаббатнинг кучига ишон.

Бошлаб борар сени дард, ситам,
Юрагингни ўртайди бутун.
Қора сочинг рангин ўғирлаб,
Одимлайди шарпа каби тун.

Сўнг бор тутар қўлингдан умид,
Узанади иккита соя.
Ўзгаради туннинг сурати,
Ёришади нур ичра қоя.

Вужуд кўзга айланар бу пайт,
Бахш этади ажиб бир чирой.
«Тун устидан кун қуйилади», *
Ажиб қўшиқ айта бошлар ой...

* * *

Баҳор қайтиб келармиди, айт,
Гуллар салом берармиди, айт,
Еллар шодон елармиди, айт,
Сен дунёда бўлмасанг, жоним.

Саҳроларга айланар тоғлар,
Хазонларга бурканар боғлар,
Дилдан сира кетмагай доғлар,
Сен дунёда бўлмасанг, жоним.

Қуёш тўниб боқади шамдай,
Булут кўпчир ҳеч кетмас ғамдай,
Кечар даврон бир оний дамдай,
Сен дунёда бўлмасанг, жоним.

Муҳаббат не, вафо, садоқат,
Омад недир, недир саодат,
Унут бўлар минг йиллик одат,
Сен дунёда бўлмасанг, жоним.

* Ҳ. Олимжондан.

*Жиззах.*

Шодмон ОТАБЕК

# ТАҚДИР СЎҚМОҚЛАРИ

*Ҳикоя*

Янглишмасам, ўшанда ўн уч-ўн тўрт ёшли ўспирин эдим. Оиламиз унча катта эмас, ота-онам хўжаликда ишлар, Мансур акам шаҳарда — институтда, синглим Юлдуз мендан икки синф қуйида ўқир эди. Отам ҳар гал шаҳарга мева-чева сотгани борганда ўзига ҳамроҳ қилиб олар, мен бундан жуда суюниб кетар эдим. Бир зайл ўтадиган қишлоқ турмуши ҳақиқатан зерикарлимиди ёки менга ажабтовур бўлиб туюладиган ғала-ғовурли, гавжум шаҳарнинг бир сеҳру жозибаси бормиди — билмадим, ҳарқалай шаҳарга парвонадек талпинардим.

Бозор-ўчардан кейин, албатта, талаба акамнинг ётоқхонасига ўтардик. Қоровул ҳам бизни таниб қолган, "Ҳа, Мансурга келдингларми?" дея индамай ўтказиб юборарди. Отам қоровулга ҳам мевалардан насиба бергач, мени етаклаб, тўртинчи қаватга оғир кўтарилар ва "Сал пастроқдан олса бўлмасмикин?" дея ғудраниб қўярди. Акам эса "Шунисига ҳам шукр, ота, курсдошларимнинг ярми ижарада туришади", дер эди. Биз келганимизда йўлак адоғидаги бу мўъжазгина хонада байрам бўлиб кетар, назаримда акамдан ҳам кўра унинг ҳамхоналари кўпроқ хурсанд бўлаётганга ўхшар эди. Отам ўз қўли билан мўлгина ош дамларди. Кейинги пайтларда акамнинг хонасида чиройли бир қизни ҳам кўрадиган бўлдик. Ўрта бўйли, ёқимтой, қайрилма киприклари ўзига ярашган, буғдойранг юзлари ҳамиша енгил табассумли бу қизни акам "Курсдошим, Мунаввархон!" дея таништирди. Уни биринчи кўрганимдаёқ ёқтириб қолдим. "Шаҳарда шунақа чиройли қизлар бўларкан-да", деб ўйладим. Мунаввар опа чиройли бўлишидан ташқари жуда хушмуомала, одобли эди. У ҳар гал бизни кўрганда уялинқираб, қўлини кўксига қўйиб, тавозе билан саломлашар, шоша-пиша сочилиб ётган китоб-дафтарларни йиғиштирар, ғичирлаб қолган эски стулларга ўтиришга чорлар, отам фотиҳа қилгач, "Мен...ҳозир!" дея чойидишни олиб, чой қўйгани чиқиб кетарди. Қайтиб келгач, столга дастурхон ёзар, токчадаги идишдан ҳали совиб улгурмаган таомни тақсимчаларга солар эди. Биз бу овқатни қиз уйидан, атай акам учун тайёрлаб келганини фаҳмлардик.

Бора-бора ётоқхонадаги бу ҳолатга кўниккандек, алланечук яқинлашгандек бўлиб кетдик. Мунаввар опа байрамларда менга хат ёзиб, табриклаб турадиган, қандай ўқиётганимни сўрайдиган бўлди. Ундан хат келганда худди ўзини кўргандек суюниб кетардим. Ёзуви чиройли эди, назаримда бундай хатларни фақат Мунаввар опага ўхшаган қизларгина ёза оларди. Ёзги таътилга чиқиш арафасида ундан яна хат олдим. У менга таътилни шаҳарда ўтказишни таклиф қилганди. Қувончим ичимга сиғмай, қолган кунларни санаб ўтказдим. Таътилга чиққач, отамдан бир ҳафтага рухсат олиб, акам билан шаҳарга жўнадик. Тўғри Мунаввар опаларникига тушдик. Улар кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги уйда она-бола туришар экан. Бу "дом" Даққиюнус замонидан қолгандай, эски, деворларини шўр босган, тепадан сув тошган бўлса керак, шифтдаги сарғиш доғ-дуғ излари қотиб қолганди. Жиҳозлар ҳам эски, шарти кетиб, парти қолган. Хонанинг бир четида ялтироқ қуббали икки кишилик темир каравот қўйилган, ўртада стол ва тўртта стул, ҳаммаси эски, уринган-суринган. Она-боланинг бундай хокисор туриш-турмушини кўриб, ҳайрон бўлдим. Шаҳарликлар бошқача яшайди, деб тасаввур қилгандим-да. Мунаввар опанинг онаси — чеҳраси очиққина, юзларига ажин тўр ташлай бошлаган аёл бизни хушнуд қаршилади. Қизи боришимизни айтган бўлса керак, "Мансуржонни укасимисиз, вой ўргулай!" дея бошимни силаб, пешонамдан ўпиб қўйди. "Мансуржон, қани тўрга бошланг, сиз ўзимизникисиз" деб мулозамат қилди.

Она-бола келишимиз шарафига анча тайёргарлик кўришган чоғи, ҳаш-паш дегунча дастурхонни ноз-неъматларга тўлдириб ташлашди. Қуюқ ва суюқ овқатлар тортилди. Мен бу хонадонда бир ҳафта қолиб кетдим. Таътилни бу қадар кўнгилли ўтказганимни эслай олмайман. Мунаввар опа мени сираям зериктирмади. Шаҳарни обдон томоша қилдирди. Каруселга чиққанимизда бошим айланиб, қўрқиб кетдим. Кўзларимни чирт юмиб, опанинг тирсакларидан маҳкам ушлаб олдим. У бошимни секин бағрига босди, шунда бутун борлиғидан таралаётган, шу маҳалгача билмаган-сезмаган ажиб бир исни туйдим, вужудимни қитиқлаб ўтган ёқимли ҳисдан сархуш бўлдим. Бу ҳолатнинг сира адо бўлмаслигини истардим.

Хайрлашаётганимизда опани қишлоғимизга таклиф этдим. Унга тоғимизни кўрсатишни жуда-жуда истардим.

— Агар акангиз ҳам таклиф қилса... борардим, — деди опа кулимсираб.

— Акам албатта боришингизни истайди! — дедим ишонч билан.

— Унда боришга тўғри келади.

— Қачон борасиз?

— Баҳорда.

— Бўпти, келишдик! — дедим суюниб.

Апрел ойининг бошларида акам шаҳардан келиб, келаси ҳафтада курсдошлари лола сайлига келаётганини айтди. Мунаввар опанинг номини тилга олмаса-да, асосий меҳмон у экани маълум эди.

Тунда отам билан онам ўртасида бўлиб ўтган шундай суҳбат қулоғимга чалиниб қолди.

— Мансурни бирон жойга илаштириб қўяйлик, ёши ҳам ўтиб боряпти, — деди онам.

— Ўзининг танлагани бор шекилли, — жавоб қилди отам.

— Ўша бирга ўқийдиган қизми? — онам негадир энсаси қотиброқ гапирди.

— Ҳа, ўша, — отам хотиржамроқ эди. — Мен уни ётоқхоналарида кўп кўрганман. Жуда бамаъни, фариштали қиз.

— Ана, ана, ўзим ҳам ўйловдима! — онам ҳар бир сўзини худди мих қоққандек ниқтаб гапира бошлади. — Иссиқ-совуқ қилиб, ўғлимнинг бошини айлантириб олган! Бу гапни хаёлиздан чиқариб ташланг, шаҳари қиз бизга тўғри келмайди.

Шу вақтда кўрпадан бошимни чиқариб, "Нега энди тўғри келмас экан? Сиз Мунаввар опани билмайсиз-ку! Агар билганингизда сиз ҳам уни ёқтириб қолган бўлардингиз!", дегим келди. Хайриятки отам кўнглимдаги гапни айтгандек бўлди.

— Билмасдан, ўйламасдан валдирайверма! — отам бу гал кескинроқ гапирди. — Мана, эртага келганда ўзинг кўрасан, бинойидек қиз, керак бўлса суҳбатини оласан, синайсан.

— Хўп, кўрамиз! — деди онам яниб.

Меҳмонлар тонг саҳарда етиб келишди. Улар икки қиз, икки йигит эди. Мунаввар опа одмигина, қишлоқ қизларидай этаги узун, гулли чит кўйлак кийиб, бошига рўмол ўраган эди. Онам билан саломлашаётганда овози титраб, ерга қараганча қизаринди. Меҳмонлар айвон четидаги катта сўрига чиқишди. Атрофга қалин сув сепилган, райҳон, жамбиллардан таралаётган ёқимли ҳид димоққа урилар, катта ҳовлимиз яна файзли кўринарди. Синглим Юлдуз иккимиз оёғимиз оёғимизга тегмай, зипиллаб хизмат қилиб турдик. Онам овқатга уннамоқчи эди, акам шаштини қайтарди.

— Аввал тоққа чиқиб келайлик, овқат кейин...

— Ўзинг биласан, болам, — онам ортиқ қистаб ўтирмади. Унинг икки кўзи Мунаввар опада эди. Қизга гоҳ ошкора, гоҳ зимдан тикилар, ўзича нималарнидир чамалар, мулоҳаза қилар эди. Тоққа жўнаётганимизда ҳам қизнинг орқасидан тикилиб қолди. Болаликдан мол боқиб, чиллак ўйнаб ўсган бу гўшанинг ҳар бир қаричи менга яхши таниш. Шу боис меҳмонларга ўзим йўлбошловчи бўлдим. Юқорига қараб анча ўрладик. Мен чўпон таёғим билан олдинда, акам ҳамроҳлари билан ортимдан келишар эди.

— Эчкига ўхшаб сакрайвермай, сал секинроқ юр,— деди акам.

Мен шундагина меҳмонларнинг ҳансираб қолишганини пайқадим. Эҳҳе, ҳали олдинда қанча йўл бору, булар ҳозирдан чидашмаяпти. Яна бироз йўл босгач, катта, баланд қоятош устида нафас ростладик. Атроф кўм-кўк майсалар билан қопланган. Бу ердан қишлоқ кафтдек кўриниб туради. Турли қушларнинг ажабтовур нағмалари қулоққа чалиниб қолади. Юқорига ўрлаганимиз сайин манзара ҳам ўзгариб, гўзаллашиб борарди. Энди аҳён-аҳён яккам-дуккам лолалар учрай бошлади, аммо ҳақиқий лолазор ҳали олдинда.

Сўқмоқ иккига бўлинди. Шунда акам шеригига:

— Шу ердан энди биз ҳам иккига бўлинамиз. Ҳар ким ўзига йўл топади, — деди ва соатига қараб, қўшимча қилди. — Роппа-роса икки соатдан кейин ҳалиги қоятош олдида учрашамиз.

Шериклар ҳам бош ирғаб ўнгдаги сўқмоқдан секин юриб кетишди. Акам Мунаввар опани етаклаб, чапга бошлади. Мен эса бир зум иккиланиб тургач, уларнинг ортидан эргашдим.

Улар ҳали узоқлашиб кетишмаганди. Шарпамни эшитиб, акам ортига ўгирилди. Ногоҳ қошлари чимирилди. У жаҳли чиққанда шундай қиларди. Тараддудланиб, турган жойимда қотиб қолдим.

— Сен нима қилиб юрибсан орқамиздан жосусга ўхшаб?! – деди акам жаҳл билан. — Бор, ишингни қил!

Мунаввар опа уялинқираб, секин акамнинг биқинига туртиб қўйди, менга қараб кулимсиради. Ноилож орқамга қайтдим. Озгина юргач, беихтиёр ортимга ўгирилдим. Акам Мунаввар опанинг елкасига қўлини ташлаганча юзини юзига яқинлаштираётганди. Дарров ўгирилиб олдим.

Орадан икки эмас, уч соат ўтса ҳамки улардан дарак йўқ эди. Акамнинг ҳалиги танбеҳидан кейин уларнинг нималар билан машғуллигини энди бирмунча аниқроқ тасаввур қилар, шуни олдинроқ фаҳмлаб олмаганимдан хижолат бўлардим. Ниҳоят қоятош олдига улар ҳам эниб келишди. Ҳаммаси хурсанд кўринар, қўлларида лолақизғалдоқлардан катта гулдаста, акамнинг чап қўлида равоч ҳам бор, баҳор қуёшидан юзлар андак қизаринқираган. Мунаввар опага зимдан разм солдим. Рўмолини елкасига ташлаган, юзлари бўғриққандек, ўзи ҳам нимадандир мамнун-масрурдек туюлди. Кўнглим жойига тушиб, енгил тортдим.

Уйга қайтдик. Супадаги катта дастурхонга ош тортилди. Тоғ ҳавосида очиқиб келган йигитлар дадил-дадил, қизлар эса тортиниб-қимтиниб тановул қила бошладилар. Мунаввар опа овқатдан бир-икки тотинган бўлди-ю дарров қўлини артиб, чой ича бошлади. Ҳовлида қўшни хотинлар куймаланиб юришар, улар бирон нарсани баҳона қилиб супага яқинлашар, Мунаввар опага синчков назар ташлашар эди. Янглишмасам, улар шаҳарлик қизни хонадонимизга келин қилсак арзийдими йўқми — шуни чамалашмоқда. Кўнглимда бир хавотир бор — ишқилиб Мунаввар опа онамга, унга маслаҳат бергувчи қўшни хотинларга маъқул бўлсин-да!

Меҳмонлар овқатдан кейин узоқ ўтиришмади. Оқшом арафасида жўнайдиган охирги автобусга илиниб қолайлик дея қўзғалишди. Акам ҳам улар билан кетди. Мунаввар опа мен билан хайрлашаётганда қўлимни анчагача қўйиб юбормади. Назаримда, у янада очилиб, чиройли бўлиб кетганди.

Отам билан онам, албатта, Мунаввар опа ҳақида гапиришини кўнглим сезганди. Бу ҳақда кечқурун отам гап очди.

— Хўш, нима дейсан энди? Мана, кўрдинг, билдинг...

— Бўлмайди! — деди онам чўрт кесиб.

Бошимдан бир челак совуқ сув қуйилгандек сесканиб кетдим. Онам мен эшитишдан қўрққан ўша гапни тап тортмай, бемалол айтган эди.

— Нега бунақа деяпсан? — чамаси, отам ҳам онамнинг бу қадар тез қарорга келганидан ҳайрон эди, — балки Анзират айнитгандир, қизини ўртага солиб...

— Анзиратнинг қизи келин қилса арзийдиган қиз, бир уйни обод қилади.

— Шаҳарлик обод қилолмайдими?

— Шаҳарлик тандирга олов ёқиб, нон ёполармикин? Сигир соғиб, таппи қилолармикин?

— Билмаса ўрганади, қайнона бўлиб ўзинг ўргатасан.

— Ўргатаман деб асабимни бузиб, ёмон кўрингунча тайёрини олиб қўя қолганимиз афзал эмасми?

Отам уф тортиб, бир муддат жим қолди. У бироздан кейин мен кутган гапни айтди.

— Мабодо ўғлинг ўша сен айтган қизни хоҳламаса-чи?

— Хоҳламай кўрсин-чи!

— Қизиқ, нима, хоҳламаса мажбур қиласанми?

— Мени ҳурмат қилса, айтганимга уйланади. Ота-она ҳеч қачон боласига ёмонликни раво кўрмайди, билдингизми?

— Сен замондан орқада қопсан, ўқимагансан-да, — деди отам кесатиб. — Ахир, фарзанднинг кўнглига ҳам қараш керак-ку!

Шунда кўнглимда бир савол ғимирлаб қолди. Акам ростдан ҳам Мунаввар опани яхши кўрармикин? Яхши кўрса, нега...

Кўнглимда бир нохушлик, дилгирлик уйғотган бу суҳбатнинг нима билан тугаганини эслолмайман. Тоғда юриб толиққан эканман, қандай ухлаб қолганимни билмабман.

Ҳаётда мутлақо кутилмаган воқеалар бўларкан. Ўйлаган ўй-режаларинг, орзуларинг чаппасидан келиши ҳам мумкин экан. Акам ёзга чиқиб институтни битирди. Ўзимизнинг қўшни қишлоқдаги мактабга ўқитувчи бўлиб келди. Орадан кўп ўтмай уни маҳалламиздаги ўша Анзират холанинг қизи Шарофатга унаштириб қўйишди. Мен бундай бўлишини мутлақо кутмаган, истамаган эдим. Ўзимча роса куйиниб, панада йиғлаб ҳам олдим. Барибир хотинларнинг айтгани бўлди. Улар зўр келди.

Орадан кунлар, ойлар ўтди. Кўрган-билганларнинг айтишича, Мунаввар опа бир неча бор акам ишлаётган мактабга келиб кетган эмиш. Охирги марта келганида акам олдига чиқмабди, "Мени йўқ деб қўйинглар", дебди. Бу гапни эшитиб дод солиб йиғлагим келди. Акам кўзимга ёмон кўриниб кетди. Ундан нафратлана бошладим.

Бир куни кутилмаганда уйимизга Мунаввар опанинг онаси кириб



келди. Бошига оқ рўмол ўраган, қадди ҳам анча букилиб қолган, юзидаги ажинлари анча қалинлашган, худди бошига мусибат тушган одамга ўхшар эди. Бечора уйимизни сўраб-суриштириб топиб келибди. Уйда онам иккимиздан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кампир ўзини таништирди. Шунда онам сесканиб кетгандек бўлди, қўллари қалтираб кетди. Мен эса бошимни қуйи солганча ўтиравердим.

Кампирнинг нима мақсадда келганини жуда-жуда билгим келди.

— Аввало, безовта қилган бўлсам узр, — деди кампир рўмолининг учи билан ёшовраган кўзларининг четини артиб, — мен ёмон ниятда келганим йўқ.

— Одам бор жойга одам келади, гапираверинг, — деди онам, унинг сўзлари самимий эмас эди.

— Тўғри айтасиз, — кампир онамнинг далдасидан дадиллангандек бўлди.

— Қанақа илтимос экан? — чарсиллаб сўради онам.

— Илтимосим сал... ғалати туюлиши мумкин, фақат мени тўғри тушунинг. Мунаввар ҳам ёлғиз қолмас. Фақат у... унутолмаяпти, Мансуржонни эсидан чиқаролмаяпти. Кўнгил экан-да. Бахтиқаро бу қиз "Уни кўрмасам, кўриб турмасам ўлиб қоламан", деяпти. Ўзини бир бало қилиб қўймаса эди, деб қўрқяпман. Бунақада ақлдан озиши ҳеч гап эмас. Унга кўп насиҳат қилдим. Ўзингни қўлга ол, ҳаётинг ҳали олдинда, дедим, фойдаси бўлмаяпти-да. Унга жоним ачийди, сиз ҳам онасиз, мени тушунарсиз...

Кампирнинг онамга жавдираб тикилган кўзларида ёш йилтиллади. Юрагим ўртаниб кетди. Онам ҳам карахтланиб, гарангсиб қолди. Орага ноқулай сукунат чўкди. Бошим қотиб қолди. Қизиқ, ғишт қолипдан кўчган бўлса, кампир энди нимани илтимос қилмоқчи экан? У ҳеч қачон фотиҳани бузайлик, Мансур Мунавварга уйлана қолсин, демаса керак.

Масалага кампирнинг ўзи аниқлик киритди. У иккилана-иккилана, минг бир истиҳола билан тилга кирди.

— Илтимосим шуки, Мансуржон Мунаввар кўниккунча кўриниш бериб турсин, ўзи шаҳарга бормаса ҳам, қизим йўқлаб келганда бирров олдига чиқиб, бир оғиз яхши сўзини дариғ тутмасин. Бу вақтинчалик чора. Ҳамма нарсанинг давоси вақт. Кунлар ўтар, Мунаввар ҳам ахийри тақдирга тан берар. Менимча, бошқа чораси йўқ, ҳаёт давом этиши, қизимдан ҳам зурёд қолиши керак.

Онам биринчи марта хатога йўл қўйганини англагандек, бошини хам қилиб, жимиб қолди. Орадан анча фурсат ўтса-да, кампирнинг кўзига қарай олмай, дастурхон попугини ўйнаб ўтираверди.

— Узр, агар илтимосим малол келган бўлса...

— Йўқ-йўқ, — деди онам шоша-пиша, — мен ўғлим билан гаплашиб кўраман. Менимча, йўқ демаса керак.

Кампир дуо қилиб, ўрнидан оғир қўзғалди. Уни бекатгача кузатиб қўйдим. Рўй берган воқеаларга, худди ўзим айбдордек, кампирнинг юзига қарай олмас, унга таскин-тасалли берадиган бирон оғиз сўз ҳам эсимга келмас эди.

Акамнинг тўйи белгиланган вақтдан сал олдинроқ бўлди. Кампирнинг ўша ташрифидан сўнг онам хавотирга тушиб қолганди. Бир йил ўтгач, акам фарзанд кўрди. Ўзиям соч-соқолини ўстириб, катта одамларга ўхшаб қолди. Илгариги зиёлисифат келбатидан асар ҳам қолмади. Ҳамма нарсага бефарқ қарайдиган бўлди. Унга ким билан яшаш ва қандай яшашнинг аҳамияти ҳам, қизиғи ҳам йўқдек эди.

Мактабни битиргач, шаҳарга ўқишга бордим. Омадим чопиб, талаба бўлдим. Мунаввар опаларнинг уйига боришга юрагим betламасди, албатта. Ахир нима деб бораман?!.. Менга муносабати ҳар қанча яхши бўлмасин, барибир уни қадрлай олмаган, севгиси учун курашмаган ношукур бир кимсанинг укаси эдим-да.

Бир куни шаҳарнинг гавжум кўчасида автобусда тик туриб кетаётган эдим. Чорраҳада улов тўхтади. Унинг ёнига эса бошқа яшил автобус ҳам келиб тўхтади. Шунда нариги автобусдаги таниш чеҳрага кўзим тушди. Қўлида икки-уч ёшлар чамасидаги гўдак. Ёмғирли куз кунида она-бола улов ўриндиғида паришон, ўз хаёлига ғарқ бўлиб кетишарди. Бу Мунаввар опа эди. Юрагим ҳапқириб кетди. Ниҳоят яшил чироқ ёнди шекилли, уловлар жилди. Бизнинг автобус ўнгга, униси эса чапга. Йўл четидаги улкан бетон тўсиқлар эса худди ҳув ўша қоятошга ўхшаб кетди. Ўша қоятошда ҳам йўлларимиз айрилганди. Аниқроғи, айрилган экан. Мунаввар опа мени кўрмади. Яхши бўлди.

# ЮКСАК МАЪНАВИЯТ — САНЪАТКОР ОДОБИ МЕЗОНИ

Бошланиши биринчи саҳифада.

Давра суҳбати

"Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси бош директори Азамат Ҳайдаров давра суҳбатининг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритаркан, жумладан, шундай деди:

— Ўзбек халқи санъати довруғини дунёга танитган устоз санъаткорлардан бизга улкан хазина мерос қолган. Ана шулар ичида энг ноёб мерос санъаткор одоби ва маданиятидир. Бинобарин, санъаткор халқ орасида ўзини камтар тутиши, яхши муомаласи, рисоладагидек кийиниши, бир-бирига ва устозларга ҳурмат-эътибори, билимдонлиги билан ажралиб туриши керак. Афсуски, бугунги кунда биз буларнинг аксини кузатаяпмиз. Баъзи ижрочилар телевидениеда бир-икки кўриндими, тамоман ўзгаради. Уларда бошқаларни менсимаслик, муомалада беписандлик пайдо бўлади. Баъзилари турли газеталарга интервю бериб, дала ҳовли қургани, қандилни қаердан ва қанчага олганини айтиб мақтанади, ҳовли тўйлари тасвири туширилган дискларини бозорларда соттиради, бошқалари эса никоҳ тўйларини кўз-кўз қилиш учун дискларини дўконларга топширади. Хорижга чиққанлари уч-тўрт кунлик саёҳатда бошқа мамлакатга маҳлиё бўлиб, киндик қони тўкилган, уни вояга етказган ота-онаси, оиласи ва фарзандлари тинчлигини таъминлаб турган она юртини унутиб, тўқликка шўхлик қилади. Ўзи шеър ёзиб, ўзи мусиқа яратиб, ўзи ижро қилиб юлдузликка даъво қилаётган хонандалар ҳам оз эмас. Яна бошқалари ўзлари жамоа тузиб, миллий маънавиятимизга зид бўлган номлар ва атамаларни ўйлаб топади. Мисол тариқасида "Беном" гуруҳини кўрсатиш мумкин. Беном дегани "ном-нишонсиз" дегани-ку, ахир!

Сирасини айтганда, энди ижодини бошлаётган аксарият ёшларда устозларимиздан мерос бўлган одоб ва маданият етишмаяпти. Ваҳоланки, санъаткор дегани шунчаки тадбирларда ёки тўй-ҳашамларда қўшиқ айтиб юрадиган кўнгилочар касб эгаси эмас, балки маънавият тарғиботчиси, асл санъат дурдоналарини авлодларга безавол етказишга даъват этилган шахс. Бинобарин, санъат остонасига қадам қўйган ҳар бир ижодкор ўзига юклатилган вазифалар залворини чуқур ҳис этиши зарур.

Бугун санъаткорлардан миллий-маънавий қадриятларимизга, туғилган макон ва она юртга эҳтиром, катталарга ҳурмат, сабр-қаноат, ҳаё, андиша, камтарлик каби инсоний фазилатларга амал қилиш ҳамда улуғ устозларимиз ёқиб кетган санъаткор маданияти чироғини авайлаб-асраш талаб қилинади.

Суҳбат жараёнида экранда намойиш этилган турли хонандалар "ижод"ига мансуб клиплар юқоридаги фикрнинг тасдиғи бўлди. Миллий қадриятларимизга, маънавиятимизга зид хатти-ҳаракат қилаётган, ярим-яланғоч, қиёфасидан кимлигини, миллатини англаб бўлмайдиган раққосалар иштирокидаги мантиқсиз ва савиясиз қўшиқларга ишланган бу клипларни кўрган одам ҳайратдан ёқа ушлаши табиий.

Ачинарлиси, бу қўшиқларнинг матни, яъни сўзи ниҳоятда саёз, маъно-мазмуни қашшоқ, тингловчига тутуриқсиз шовқиндан бошқа ҳеч нарса бермайди. Шубҳасиз, бу ўринда муаммонинг асосий илдизи қўшиқ пойдевори бўлган сўз ва унга масъулиятсиз муносабатга бориб тақалади. Бу хусусда, яъни сўз ва унинг масъулияти ҳақида фалсафа фанлари доктори, профессор Қиёмиддин Назаров шундай деди:

Дунёнинг яралиши ўзи сўздан бошланган. Бундай олганда, "Сўз — инсон маънавиятининг таркибий қисми", деб оддий изоҳ бериб қўйиш ҳам мумкин. Лекин сал чуқурроқ фикрлайдиган бўлсак, сўзнинг кучи, сўзнинг юки шунчаки оддий нарса эмас. Сўз одатда фақат одам учун айтилади. Зеро, дунёда яратилган минглаб жонзотлар орасида бирортасига сўзлаш имконияти берилмаган. Ҳар бир одам қалбидан чиқадиган фикрни қандайдир шаклда ва қайсидир маънода ифодалаши мумкин. Ҳамма гап фикр ифодасида. Худди шу жараёнда сўз масъулияти юзага келади.

Мутахассислар фикрига қараганда, бир кунда битта одам миясига олти мингга яқин фикр келар экан. Ана шу фикрнинг беш минг тўққиз юз тўқсон саккизтаси қачондир айтилган, қачондир гапирилган, қачондир эшитилган фикр ҳисобланаркан. Бор-йўғи бир-иккитасигина янги фикр бўларкан.

Демак, инсон учун сўз масъулиятидан оғир масъулият йўқ. Айниқса, ҳамманинг кўз ўнгида бўлган, ҳамиша эл орасида юрган санъаткорда бу масъулият ўн карра оғирроқ бўлади. Эл орасида санъаткор одоби, унинг маънавияти сўз орқали бор бўйи билан намоён бўлади.

Филология фанлари номзоди Шуҳрат Ризаев Қ.Назаров фикрларининг давоми сифатида хонанданинг матнга муносабати, қўшиққа сўз танлаш масъулияти ҳақида гапирди:

— **Сўздирки нишон берур ўлукка жондин,**
**Сўздирки берур жонға хабар жонондин,**
**Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,**
**Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.**

Ҳазрат Алишер Навоийнинг "Назм ул-жавоҳир" ("Назм жавоҳирлари") асаридан олинган бу рубоий сўзнинг қадри ҳақида, ўрни ва аҳамияти хусусида мукаммал тушунча беради. Ҳа, сўз ўликка жон, жонга эса жонондан нишон-белги, хабар бериб, инсоннинг тириклигини аён этади. Ҳатто буюк илоҳий китоб ҳам "аввал бошлаб сўз бўлган эди" дея Аллоҳ каломини марҳамат этади.

Демак, сўзнинг рутбаси шунчалар улуғ, шунчалар қадрли экан, ундан билиб, чуқур англаб фойдаланиш зарур. Акс ҳолда нон, дуо каби сўз уволи тутиши муқаррар. Қўшиқ — шеър ва куй бирлигидан туғилувчи ҳодиса. Ижро эса унинг умрини таъмин этгувчи жон, қувватдир. Шу уч бирликда қўшиқ яралади ва яшайди. Шундай экан, қўшиқни яратувчилар ҳам, унга умр бағишлагувчилар ҳам масъулиятларини обдон ҳис қилмоқлари, беҳуда ҳою ҳавасдан кўтарилиб, санъат дунёси билан юзма-юз тура олишга қодир бўлишлари шарт.

Модомики, қўшиқда шеър салмоғи, замонавий қўшиқчиликда сўзнинг ўрни хусусида гап борар экан, албатта, профессионал шоир, том маънодаги шеърият билан мунтазам ишлайдиган ҳофиз-хонандаларимиз кам эмаслигини айтмоқ керак. Аммо шундай "сунъий" усулда пайдо бўлган қўшиқчилар, ҳаваскорлар борки, уларнинг савияси кўнгилочар хиёбонлардаги "караоки" даражасида бўлгани ҳолда, турли мулкий тасарруфдаги эфирларга чиқиб, илдиз отиб урчиб кетяптилар. Мана, уларнинг "қўшиқ"лари матнларидан баъзи намуналар:

**Маза-мазали**
**Ширин сўзинг мазали,**
**Роса-росали**
**Ёқимлисан росали.**

*(Жўрабек репертуаридан)*

**Тўхтамайман севишдан**
**Сўнгги нафасимгача.**
**Тўхтамайман севишдан**
**Сенга етмасимгача.**

*(Тамилла қўшиғи)*

**Замонавий совчилар**
**Уйимизга ҳар кун келар.**
**Юрак урар дук-дук,**
**Соат ўтар тук-тук.**
**Ҳамма ўз бахтини кутар.**

*(Рухшонанинг "Замонавий совчилар" қўшиғи)*

Ажабки, совчининг нозамонавийси ҳам бўларкан.

**Ошиқ Мажнун**
**Жоним курбон.**
**Қийнамагин**
**Мен Лайлиман.**

Қаранг-а, Мажнун ошиқ экан-у Лайлини қийнар экан. Ҳаммамиз билган Мажнун Лайли ишқида беадад азобу қийноқларда сарсон кезгувчи эди, қўшиқчи Тамиллахон эса бутун ишқ достонини чаппасига айлантириб ташламоқчи бўлибди. Ўта замонавий қизларнинг дунёқараши бўлса керак-да бу?!

Ҳозирда минглаб ўспирин йигиту қизчаларни ўзига "михлаб", эргаштириб кетаётган "хонанда" ва "киноактёр", "продюссер" Жаҳонгир Позилжонов эса ҳар қандай гап қўшиқ бўлаверади, фикр, ғоя, туйғу деган тушунчалар тушимга ҳам кирмайди, деган ёндашувда шундай "қўшиқ" "куйлайди":

**Дачалар бор, дачалар...**
**Шомурод акам қатталар.**

Аввалроқ унинг:

**Кўчамизда бор бир крутой бола у.**
**Палажения ёнида частний бўлар у,**
**Майкани устидан тақади галстук,**
**У знаминитий, у Нортой —**

каби алжирашларини эшитиб, "ҳа, энди..." деб кетаверган эдик. Ана шу "ҳа, энди..." тўғри эмас экан, Юртбошимиз "Юксак маънавият — енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, "бепарво одам душмандан ҳам хавфлироқдир", "қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзбўларчиликка ташлаб қўйилса, ўша ерда маънавият энг ожиз ва заиф нуқтага айланади". Эстрада қўшиқчилигимизда кузатилаётган яна бир "ғалат"иллик бу айрим эътиқоди суст "қўшиқ айтарлар"нинг ўз найрангларини классика ниқоби билан яширишга уринишларида намоён бўлаётир. Сўнгги пайтда кўп хонандалар гўёки Машраб шеърларига мурожаат этишни урфга айлантиряптилар. Айрим замонавий қўшиқчиларимиз буюк шоирнинг ғазал, мустаҳзод, мухаммасларига "ижодий" ёндашиб, ё бузиб, ё ўзлаштириб, ўзларига мослаштириб, ҳатто бўлса-бўлмаса бир-икки классик сўз-иборалар ишлатиб Машрабга нисбат бериб, репертуар ясаяптилар. Уларнинг айримларига "Эй, ука, бу сўзларнинг Машрабга сира тегишли ери йўқ", десангиз "Ҳа, ака, унда халқ сўзи, халқ куйи" бўла қолсин, ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди", деб "ҳозиржавоб"лик қилади. Бу энди маънавий сурбетликнинг айни кўриниши.

Юксак маънавият халқимизнинг келажакдаги буюклиги йўлида бир маёқ бўлса, унга интилаётган барча онгли фуқаро ўзини бефарқликдан, лоқайдликдан асрамоғи, огоҳ бўлмоғи, маънавиятнинг "виждон бедорлиги" тамойилини сира унутмаслиги керак.

Давра суҳбатида, шунингдек, санъатшунос олим Сойибжон Бегматов, таниқли шоирлар Маҳмуд Тоир, Азим Суюн, Ўзбекистон халқ артисти Ғуломжон Ёқубов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мавлуда Асалхўжаева ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Истиқлол йилларида маданият ва санъатни ривожлантириш, санъаткорларни қўллаб-қувватлаш борасида катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Ўзбекистон давлат консерваторияси биноси, Санъат институти биноси янгидан барпо этилди. Маданият институтида қайта таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Самарқанд, Навоий, Қарши ва Бухоро шаҳарларида маданият ва санъат коллежлари бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. 300 дан ортиқ болалар мусиқа ва санъат мактаблари махсус давлат дастури асосида қайта таъмирланиб, янги замонавий жиҳозлар билан таъминланмоқда.

Бинобарин, ҳар бир хонанда, хусусан, санъатдек муқаддас даргоҳга кириб келаётган ёш ижрочилар бундай эътибор ва ғамхўрликка она-Ватан равнақига, халқимиз, келажак авлод эгаларининг маънавий камолотига хизмат қиладиган мағзи тўқ, юксак савиядаги қўшиқлар яратиш билан жавоб беришлари лозимлиги давра суҳбати иштирокчилари томонидан эътироф этилди. Бу борада таниқли хонандалар, эстрада санъатининг ёш вакиллари ва қўшиқчилик соҳасига эндигина қадам қўйиб кириб келаётган истеъдод эгалари ҳамда шоирлар, мусиқашунослар, бастакорлар ва продюссерлар иштирокида мунтазам учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиб, фикр алмашиб туриш зарурлиги таъкидланди.

**Гулчеҳра УМАРОВА**
**тайёрлади.**

# АНЪАНАЛАР ДАВОМЧИСИ

Рассом устахонасида

Ваҳоб Зиёев ўзбек рангтасвир санъатида ўз ўрнига эга таниқли мусаввирлардан. Унинг ҳар бир асари моҳиятида эзгулик мужассам. Эзгуликка, инсонийликка даъват қилиш мусаввир ижодининг асосий тамойили, десак муболаға бўлмас. Мусаввир ҳунарманд заргар оиласида улғайди. Ёшлигидан отаси ёнида бўлиб, турли зеб-зийнат ва тақинчоқлар тасвирини чизиш ҳамда ясаш жараёнида бевосита иштирок этди. Отасига ёрдам бериб турли чизмалар чизиш асносида рангтасвирнинг классик йўналишига қизиқиб қолди. Бу йўналишни чуқур ўрганиш мақсадида аввал рассомлик билим юртида, сўнгра Тошкент театр ва рассомлик санъати институтида таҳсил олди. Институт устахонасида Малик Набиев, Раҳим Аҳмедов, Маннон Саидов каби рангтасвир усталаридан олган ижодий сабоқлари ва изланишлари келгуси ижодига мустаҳкам пойдевор бўлди.

Маълумки, рангтасвир санъатининг атоқли намояндаси, Ўзбекистон халқ рассоми Чингиз Аҳмаров ўрта аср китоб миниатюрасига суянган ҳолда ўзбек рангтасвир санъатида алоҳида йўналишга асос солиб, ўз миниатюра мактабини яратган. Ёш мусаввир В.Зиёевнинг ана шу улкан рассом билан яқиндан танишуви унинг ижодида муҳим аҳамият касб этди. Чингиз Аҳмаровга шогирд тушиб, беш йил давомида темурийлар даври миниатюра санъатининг нозик сирларидан воқиф бўлди. Устахонадаги қизғин ижодий муҳитни матога муҳрлаш мақсадида мусаввир устозининг холст олдида ишлаётган пайтини чизди. Маҳорат билан чизилган суратдаги мусаввир хатти-ҳаракати ва қиёфаси ранглар мутаносиблиги орқали бетакрор ечим топган. Ваҳоб Зиёевнинг баъзи асарларида, жумладан, "Талаба портрети"да Чингиз Аҳмаровнинг таъсирини кўриш мумкин. Тасвирдаги қиз чуқур ўйга ботган. Портретда ортиқча унсурлар кўринмайди. Кулранг, сариқ, бинафша ранг, пушти ранг тасвирни тўлдириб турибди. Композицияда кўпроқ бинафша ранг ёйилиб, секин-аста қизнинг либоси ва кўзига кўчиб ўтади. Асар ечимини ҳам шу ранг якунлайди.

В.Зиёев Ботичелли, Леонардо да Винчи, Рафаэл, Тициан, Рембранд, Ван Гог ва бошқа машҳур рассомлар ижодидан илҳом олди. Камолиддин Беҳзод, Мир Саид Али, Маҳмуд Музаҳҳиб миниатюраларини чуқур ўрганди. Уларнинг асарларидан нусха кўчириб, маҳоратини оширди. Мусаввирнинг 1970-2000 йиллардаги ижодида Гоген ва Матисс таъсири яққол сезилиб туради. У мойбўёқ, акварел, гуашда бирдек маҳорат билан ишлайди. Уч юзга яқин рангтасвир ва юздан ортиқ график ишларининг ҳар бири ўзига хослиги билан эътиборни тортади. "Кўҳна наво" асарида сочлари майда ўрилган қиз дарахтда осиғлиқ булбул қафаси ёпинчиғини аста очаётгани тасвирланган. Бунга жавобан булбул қизга қараб хониш қилмоқда. Дарахтлар, қафас, қизнинг оловранг рўмоли, пушти камзули, зангори атлас кўйлаги, фон қисмидаги от-араванинг олисдан кўриниши яхлит манзара ҳосил қилган. Ортиқча безаклардан, сохта ранглардан холи чизилган "Сокинлик" номли йирик фалсафий асари тасвирий санъат мутахассисларида катта қизиқиш уйғотди. Мусаввир ижодида ранглар мусиқаси "Куз" асарида яққол кўзга ташланади. Унда ер ранги, қизил, пушти, жигарранг билан бирга ёрқин бўлмаган ранглар ҳам ўз ўрнида ишлатилган. Сурхондарёда бўлганида яратган "Пошхуртлик оила" асарида кўпболали оила тасвирланган. Асарда юмшоқ рангларга кенг ўрин берилган. "Ўтов" асарида халқимизнинг меҳмондўстлик фазилати гўзал акс эттирилган. Унинг ижодида "Тиллакори",



"Шоҳи-Зинда", "Хива" каби тарихий асарлар алоҳида ўрин тутади. Уларда тарихга ўзгача ёндашув, рассомнинг янгича нигоҳи кўзга ташланади. Унинг ижодида натюрморт ва портрет жанридаги асарлар салмоқли ўрин тутади. Қоржантов тоғ тизмаларига бағишланган "Баланд тоғли ҳудудлар" учлик асарини чизиш учун мусаввир тўрт йил давомида этюдлар ишлади. "Бу жараёнда буюк манзарачи рассом Ўрол Тансиқбоевнинг ижоди намуна бўлиб хизмат қилди, — дейди мусаввир фахр билан. — Мазкур учлигим билан Ўрол ака ижодига хос тоғ манзараси мавзуига мурожаат қилиб, анъанани давом эттиришга ҳаракат қилдим."

В.Зиёев асарлари мамлакатимиз музей ва галереяларидан, Германия, АҚШ, Норвегия, Исроил, Туркия каби давлатларнинг хусусий тўпламларидан жой олган. Мусаввир ижоддан бўш вақтларда болалар билан ишлашни яхши кўради. У маълум бир вақт Республика болалар бадиий ижодиёти маркази ўқувчиларига, болалар уйи тарбияланувчиларига қоғозда композиция чизиш, гуаш, мойбўёқ, акварел техникасида ишлашни ўргатди. Охирги тўрт йил давомида болалар уйи тарбияланувчилари билан Қоржантов, Қизилсув ҳудудларида жойлашган «Ёшлик» оромгоҳида ёзги таътилни ўтказди. Таътил даврида болаларга расм чизишни ўргатиб, ўз ижоди учун ҳам турли чизмалар, этюдлар ишлаб келди. Мусаввирнинг қизи Дилбаҳор ҳам ўзига хос йўналишда асарлар чизиб, отаси ишларини давом эттирмоқда. Зиёевлар сулоласи рангтасвирда янги манзаралар яратиб, миллий санъатимиз хазинасини бойитишига муносиб ҳиссаларини қўшиши шубҳасиз.

**Лариса ЛЕВТЕЕВА**

# ТАСАВВУРДАГИ ТАСВИРЛАР



Ёшлар ижод саройида рассом Ўктам Саидовнинг "Тасаввуримдаги тасвирлар" кўргазмаси намойиш этилмоқда. Кўргазмадан ўлкамиз манзаралари, натюрмортлар, хаёлот тасвирларидан иборат олтмишга яқин асарлар ўрин олган. Бўлажак рассом Урганч шаҳридаги санъат гимназиясида рангтасвирнинг бошланғич алифбосидан таҳсил олган. Миллий рассомлик ва дизайн институтининг дастгоҳли рангтасвир устахонасида Ўзбекистон халқ рассомлари Маннон Саидов, Неъмат Қўзибоев, Раҳим Аҳмедов, Муҳаммаджон Нуриддиновдан олган сабоқлари ижодий йўналишини белгилашда алоҳида аҳамият касб этди.

Рассомнинг "Келин", "Ишонч" ва "Баҳор" туркумига доир асарларида миллий колорит ва рамзлар уйғунлигини кўрасиз. Натюрмортларда анвойи гуллар, сархил мевалар жуда жонли чизилган. Афсона ва ривоятлар асосида чизилган манзаралар томошабинни чуқур ўйга солади. "Ўтган кунлар" картинасида ўтмиш жонланса, "Нонвой" асарида оддий одамларнинг кундалик ҳаёти ўз аксини топган.

Ўктам Саидов 2003 йилдан буён халқаро ва республикамиз кўргазмаларида мунтазам иштирок этиб келмоқда.

**Ҳилола АБДУРАҲМОНОВА**



# КЎНГИЛ ТУҒЁНЛАРИ

Тақдимот

Ҳотам Файзиев! Биз уни кўпроқ оператор сифатида таниймиз. Операторлик соҳасида ўз мактабини яратган ижодкор «Сен етим эмассан», «Тошкент — нон шаҳри» каби дурдона асарларнинг суратга олинишида етакчилик қилган. «Оқ бино оқшомлари», «Кичкина одамлар» филмлари эса уни режиссёр сифатида элга танитган дастлабки асарлардир. Аёл қалби кечинмалари, кўнгил, ҳис-туйғулар, руҳият кенгликлари, орзулар ҳақидаги бу икки филм кўпчилик томонидан илиқ кутиб олинган. Яқинда киноэкранларимизда намойиш этилган «Ёзсиз йиллар» филми санъаткорнинг ўзига хос ижодий қиёфасини яна бир бор намоён этди. Бу асар Ҳотам Файзиевнинг сценарий танлаш ва уни экранлаштиришда ўз бадиий услуби, алоҳида ёндашуви борлигини кўрсатди. Ёзувчи Зулфия Қуролбой қизининг шу номли қиссаси асосидаги бу филм психологик драма жанрида суратга олинган.

Ёлғизлик ва изтиробни, умид ва умидсизликни келтириб чиқарувчи сабаблар кўп. Агар инсон ўзи яшаб турган муҳит томонидан рад этилса, унда ёлғизлик изтиробга, умид эса умидсизликка айланади. Асар драматургияси моҳиятан бир-бирига тескари ана шундай кечинмаларнинг ўзаро тўқнашуви асосига қурилган.

Филмнинг бош қаҳрамони Собир (актёр Йигитали Мамажонов) автоҳалокат туфайли касалхонага тушиб қолади. Шифокорнинг ўйчан боқишидан томошабин аллақандай хавфни сезиб туради. У Собирнинг акасини секин четга тортиб, шивирлаб шундай дейди: «Укангиз касал. У энди оила қуролмайди. Пушти куйиб кетган». Филмнинг тугуни худди шу нуқтадан бошланади.

Собир эса қўшни қиз Марваридни тоза туйғулари, соф муҳаббати билан севарди. Улар аллақачон аҳдлашишган. Она совчиликка боради. Минг афсуски, ота қизини энди Собирдек йигитга берармиди?



Филмда айни ўша совчилик саҳнаси уч маротаба такрорланади. Бироқ ҳар бир такрорнинг алоҳида юки ва айтилмоқчи бўлган фикри бор. Режиссёр ҳар уч ҳолат учун бир хил мусиқадан фойдаланади ва бу ҳолат режиссёрнинг мақсадини тўғри англашга ёрдам беради. Кинематографиямиз пойдеворини қўйишда асос бўлган бу услуб ҳали-ҳамон ўз таъсир кучини йўқотмагани ушбу филм мисолида яна бир бор исботини топди. Демак, филмда анъанавийлик изи бор. Тугундан бошлаб то хотимагача сокин мусиқа эшитилиб туради. Бироқ хотимага келганда бутунлай бошқа — залворли мусиқа янграйди. Ҳотам Файзиев мусиқанинг таъсир кучидан ўз ўрнида фойдаланган.

Воқеалар кадрдан кадрга ривожланиб, драматизм кучайиб боради. Филм муваффақиятида Ўзбекистон халқ артисти Малика Иброҳимованинг (Собирнинг онаси) ижроси муҳим ўрин тутган. Актрисанинг нигоҳи, кўз қарашлари, тезлик билан ҳолатдан ҳолатга ўта олиши филмда ҳал қилувчи омил бўлган.

Онанинг Собирнинг хоҳишига кўра яна ва яна совчиликка бориши (гарчи умид бўлмаса ҳам!) кишилар наздида бемаъни уриниш бўлиб туюлади. Буни биз ака (Фахриддин Шамсиматов)нинг гап-сўзларидан, тортишувларидан сезиб турамиз. Бироқ филмда она муҳаббати шундай нозик туйғулар билан ифодаланганки, ҳар бир кадр томошабиннинг экрандан узоқлашишига йўл қўймайди. Барча зиддиятлар Собир ва акаси ўртасида кечаётган бўлса-да, аслида режиссёр ака мисолида атрофдаги одамлар фикрини акс эттиради. Демак, режиссёр айтмоқчики, акалар бу — омманинг ўзи ёки омма бу — акалардир.



Собирнинг умидсизлиги бизга Тагор қаҳрамонларидан бири Шошибушоннинг айни ҳолатини эслатади ("Нур ва соялар"). Барча адолатсизликларга бир ўзи қарши борган йигит қалбини, мақсадини бирор кимса тушунмайди. Бироқ Тагор ўз қаҳрамонини тушкунликдан муҳаббат туйғуси орқали қутқариб қолади. Ночор қолган йигит Грибаланинг меҳри ва муҳаббати туфайли ҳаётга қайтади. Ҳар қандай оғир вазиятда ҳам фақат муҳаббатгина инсонни қутқара олиши мумкинлигини ҳинд адиби яна бир бор таъкидлаган. Собир ҳам қалбида барқ урган эҳтиросли муҳаббати туфайли барча тазйиқларга қарши тура олади. Уни бу дунёга боғлаб турган ягона туйғу ҳам шу. Филм драматургияси нур ва сояларнинг ўзаро курашувидан иборат.

Аслида сюжет жуда қисқа. Бироқ режиссёр персонажларнинг ички кечинмалари, дард-изтироби, қалб туғёнлари, руҳий эврилишларни асосий ўринга олиб чиқади. Масалан, «тўй» саҳнасини олайлик. Собир бора-бора алаҳсираб, ақлдан оза бошлайди. Кўзига турли шарпалар кўринади. Бир сафар онасига ўзининг тўйи бўлаётганини, ҳамма ўйнаб-кулаётганини айтади: «Ойи, фақат негадир сиз ғамгинсиз, ўйнамаяпсиз?», дейди. Шунда шўрлик она хона бўйлаб чарх айланиб, касал ётган ўғли тепасида рақсга тушади. Азбаройи ночор ўғлининг ўксик кўнгли учун рақсга тушди. Одатдаги дидактикадан узоқ бўлган бу кадрлар томошабинни изтиробга солмай қўймайди.

Собир бахтли кунларни кутиб яшайди. Ҳатто бу бахт ҳеч қачон келмаслигини билса ҳам кутишда давом этаверади. Унинг умидсизлиги тобора умидга айланиб боради. Изтироби эса соғинчга... Бироқ... Бундай муҳаббат ер юзига сиғармиди?

Мизанкадрлар қурилишида кичик бир камчилик кўзга ташланади. Ҳовлида Собирнинг акаси ва онаси ўзаро гаплашишяпти. Ака ҳар доимгидек ўз сўзини маъқуллайди. Она ҳовли бўйлаб жаҳл устида тез-тез юриб кетади. Унинг ортидан акаси ҳам эргашади. Бизнинг тасаввуримизда, қолаверса, "кино тили"га кўра энди Маматқул ҳам онанинг дардини тушунди, англади, деган фикр туғилади. Бироқ улар ўртасидаги зиддият филм сўнгигача давом этади.

Ҳотам Файзиев режиссёрлик қилган аксарият филмларда воқеалар энг юқори чўққигача олиб борилади-ю, бироқ ечим берилмайди. «Оқ бино оқшомлари» филми хотимасини эсланг. Қалбидаги муҳаббат учқунларига ҳеч қандай меҳр ололмаган телбаваш аёл Ҳафиза зулмат томон сингиб кетади. Ёки «Кичкина одамлар» қаҳрамонлари ҳам шундай — дардига чора тополмаган содда кишилар драмаси. Уларнинг орзулари худди мактублари каби сувга оқиб кетади. Воқеан, «Ёзсиз йиллар» филми якунига ҳам режиссёр ана шундай муносабатда бўлди. Режиссёр воқеаларни энг юқори чўққигача кўтаради — онанинг оппоқ қорда, ўғлининг туйғуларига беҳад ҳурмат назари билан қараб, Марваридни бир марта бўлса ҳам Собирнинг ёнига олиб келишга шиддат билан қадам ташлаши лавҳалари... Бироқ бу томошабинни ечимга олиб бормайди. Аксинча, ечим ҳар бир томошабиннинг фикрида — ўзида бўлиши керак... Ҳамма бу саволга ўз муносабатини билдириб, ўзича жавоб излаши лозим.

**Шоҳсанам ХИДИРОВА**

# ГАЗЕТАШОУ

## АЙРИМ ШОУЛАРГА ЎХШАТМА

— Ассалому алайкум ҳурматли газеташоу мухлислари. Газета саҳифасида бу мен — севимли бошловчингиз Сурайё Даврон бўламан.

Энди сизларни шоумизда иштирок этаётган экспертлар билан таништириб ўтсам. Менинг ўнг томонимда...

— Тўхтанг, тўхтанг Сурайёхон, газеташоу мухлисларини мавзу билан таништирмадингиз-ку?!

— Ҳа-я, эсим қурсин. Бугун сизни "Қарқара келин киму масхара келин кимлигини аниқлаш", деб номланган газеташоусига таклиф қиламиз. Хуллас, менинг ўнг томонимда таниқли, жудаям таниқли бир инсон ўтирибдилар. Исмларини айтмасам ҳам ўзингиз билиб олган бўлсангиз керак. Ҳа, ҳа, тўғри, топдингиз... менинг ўнг томонимда... катта ҳаётий тажрибага эга, бир эмас икки оила соҳибаси Лулипархоним Сомонова. Чап томонимда эса Лота Путтаевна Қийқимова ўтирибдилар. Бу опажонимизнинг ҳам келинлар кийим-кечаклари бобида оламжаҳон тажрибалари бор. Бир парча латтадан ҳам кўркам кийимлар тайёрлашга моҳир. Ҳа, ишонаверинг бир парча латтага ўз фантазияларини гуллар шаклида шундай маҳорат билан жойлаштирадиларки, бундай кийимни эгнига илган қизлар ўзларини қўярга жой топиша олмай қолади. Худди тузоққа тушган оққушларга ўхшаб тезроқ бирор жойга учиб кетгиси келиб қолади. Хуллас, энди шоумизни бошласак ҳам бўлаверади. Ҳа–я, айтмоқчи, шоумизга диққат қилинг. Газ печкасидаги овқатга, агар у тагига олиб кетса ҳам, эшик қўнғироғини қайта-қайта босиб чақираётган қўшнингизга, агар у қарғаб-қарғаб қайтиб кетса ҳам эътибор берманг. Бўлмаса шоумизни тушунмай қоласиз. Хуллас қўнғироқларингизни кутамиз. Ало? Ало? Эшитамиз, эшитамиз, қулоғимиз сизда.

— Ало, менинг саволим иккала экспертга ҳам тегишли.

— Марҳамат, марҳамат. Кечирасиз, ўзингизни таништирсангиз.

— Мен, Зарипова Гулсинойман. Бўкаданман. Саволим қуйдагича: яқинда туғилганимдан бери орзиқиб кутаётганим, келинлик либосини киядиган бўлиб турибман. Айтингизлар-чи, қайнотамга ҳам, қайнонамга ҳам салом берганимда эгилишим керакми?

— Йўқ, йўқ, асло бундай қила кўрманг, мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтишим мумкинки, шундай қилсангиз уятга қоласиз. Ахир, замонавий келин куйлаклар жуда нозик бўлади. Улар жимитдайгина елкангизда деярли илиниб туради. Худо кўрсатмасин, қайнотангизга эгилиб салом бераётганингизда...

— Тўғри айтасиз, Лотахон опа, қолаверса эгилиб салом бериш модадан қолган. Мана мен биринчи турмуш қурганимда қайнонамга ҳам, қайнотамга ҳам бурним ерга теккунча эгилиб салом берганман. Ўйлаб қарасам, бекор қилган эканман. Қадримга етишмади. Бир-икки ғиди-биди қилишувди, шартта ажрашдим. Иккинчи марта турмуш қурдим. Буни қаранг, қайнона-қайнотамнинг ўзлари серсалом экан. Ҳовли айланиб салом беришаверади, десангиз. Жонимга тегиб кетди. Ахир, саломнинг ҳам қадри бўлиши керак-да, тўғрими?

— Ало, Ало, бизни эшитаяпсизми? Узилиб қолди, шекилли.

— Шундайга ўхшайди.

— Анча бўлдими алоқа узилганига? Шунча вақтдан бери ким учун гапираяпмиз бўлмаса?

— Узримизни қабул қиласиз, деган умиддамиз қадрли шоумиз мухлислари, айб бизда эмас, телефон тармоқлари негадир бугун яхши ишламаяпти.

— Телефон тармоғидагилар ҳам бизнинг шоумизга берилиб, вазифаларини унутиб қўйишган бўлсалар керак-да.

— Ҳа, қадрли мухлислар шоумизни давом эттирамиз. Мухлисларимиздан навбатдаги қўнғироқ бўлгунича бугунги мавзумизни яна бир бор эслатиб ўтишни лозим топдик. Шундай қилиб, газета саҳифасида "Қарқара келин киму масхара келин кимлигини аниқлаш" шоуси давом этмоқда. Сизларни яна бир бор экспертларимиз билан таништириб ўтсам, менинг ўнг томонимда катта ҳаётий тажрибага эга, бир эмас иккита оила соҳибаси Лулипархоним Сомонова. Чап томонимда эса Лота Путтаевна Қийқимова ўтирибдилар. Бу опажонимизнинг ҳам кийим-кечак масаласида оламжаҳон тажрибалари бор. Бир парча латтадан ҳам кўркам кийимлар тайёрлашга моҳир. Ҳа, ишонаверинг, бир парча латтага ўз фантазияларини гуллар, тўрпардалар кўринишида шундай маҳорат билан жойлаштирадиларки, бундай кийимни эгнига илган қизлар ўзларини қўярга жой топиша олмайди. Тузоққа тушган оққуш сингари бирор жойга парвоз қилгиси келиб, питиллаб қолади. Дарвоқе, Лулипар опа, иккинчи оилангиз ҳақида гапираётгандингиз...

**Ҳажвия**

— Хуллас, яна ажрашдим.

— Ҳозир ёлғизмисиз?

— Йўқ, баъзан униси, баъзан буниси ота-оналаридан яшириниб келиб-кетиб туришади.

— Ғалати-ку?

— Нимаси ғалати, икковиям билишади. Буни қаранг, худди келишиб олгандек бири кетса, иккинчиси қўнғироқ қилиб учрашувга таклиф қилади. Ажойиб бўларкан. Эр бир эмас, иккита. Қанона-қайнота эса йўқ. Бирам мазза-ей. Масалан, менга шундай ҳаёт ёқади. Ахир, ўзим учун ҳам яшашим керак-ку?!

— Бола-чи, ўғлингиз бор, деб эшитамиз...

— Бор, икковидан ҳам биттадан. Уларни оталарига ўхшамасликлари учун алоҳида-алоҳида тарбиячига берганман. Ўзим ҳам кам бораман. Фикрлари бузилмасин, дейман-да.

— Кечирасиз, қўнғироқ бўладими ўзи?

— Мен ҳам ҳайронман, мухлисларимиз қўнғироқ қилиб тушиша олмаётган бўлсалар керак.

— Лота опа, зерикиб қолмадингизми ўзи?

— Йўқ, зерикаётганим йўқ, гапни газетага ўраб гапирадиган бўлсам, шоумиз жуда кўнгилдагидек давом этяпти. Кийим-кечак масаласига келсак, ҳамма ўзи истаганини кияди. Мен яратган ноёб либосларни кийган аёллар нақ ўттиз ёшга яшаради. Шунинг учун қилган ишимдан ҳам, кийган кийимимдан ҳам уялмайман. Гапнинг рости бугунги шоудан сўнг харидорларим икки баробарга кўпайса керак, деб ўйлагандим.

— Тушкунликка тушманг, Лота Путтаевна. Ҳозир қўнғироқ бўлиб қолади. Аниқ биламан. Менинг ички сезгим жудаям кучли.

— Ало, ало? Ростданам телефон тармоғига бир гап бўлганга ўхшайди.

— Иккала сим ҳам ёмғирда қолиб намланган бўлса керак.

— Ҳозир симли телефонлар қолмаган Лота опа!

— Лямкасиз кўйлакларга ўхшаб-а?

— Нималар деяпсиз, Лулипархон, менинг кийимларимни масхара қиляпсизми?

— Ўзингиз иккита симга шаъма қиляпсиз-ку?

— Тавба, йўқ жойдан жанжал чиқармоқчимисиз-а?

— Қанақа жанжал? Ким жанжал чиқаряпти. Менми? Бўпти, мен шоуни тарк этсам, кўнгилларинг тинчийдими? Бўлди, кетганим бўлсин.

— Эътибор берманг, азиз мухлислар Лулипар Сомоновага шоумиз талаблари оғирлик қилди шекилли, даврамизни тарк этяптилар, ҳечқиси йўқ. Газеташоумиз энди ҳал қилув паллага кириб бормоқда. Яна бир бор эслатиб ўтамиз. Шоумизга диққат қилинг. Газ печкасидаги овқатга, агар у тагига олиб кетса ҳам, эшик қўнғироғини қайта-қайта босиб чақираётган қўшнингизга, агар у қарғаб-қарғаб қайтиб кетса ҳам эътибор берманг. Акс ҳолда, шоумизни тушунмай қоласиз.

— Ало? Ало, хайрият мана яна бир мухлисимиз қўнғироқ қилиб қолди. Астойдил ҳаракат қилса, албатта, мақсадга эришиш мумкин. Эшитамиз, саволингизни кутяпмиз. Ало?

— Ало? Менинг саволим Лота Путтаевнага?

— Марҳамат.

— Лота опа, сиз тикаётган кўйлаклар нафақат бу ерда, балки қўшни мамлакатларда ҳам тала-тала бўлиб кетаяпти, деб эшитамиз. Айтингчи, уйда оила аъзоларингиз ҳам ўзингиз тиккан кийимларни кийишадими?

— Нима десам экан, гапни кўйлакларимнинг чет мамлакатларда харидоргирлигидан бошласам, деган эдим. Ҳа, тўғри эшитибсиз. Мен тиккан кийимларнинг бозори чаққон, бундан албатта хурсандман. Ҳатто бахтиёрман. Уйда оила аъзоларим киядиган кийимларга келсак. Улар ҳам ортиқча исрофгарчиликни ёқтиришмайди. Масалан, турмуш ўртоғим билан ўғлим Эрик уйда майичка ҳамда калта шортик кийиб юришади. Мен билан қизим эса калта юбкани хуш кўрамиз. Қизимга бир-икки жойдан совчилар чиқувди. Улардан биринчи сўраган саволимиз шу бўлди. Бизга ўхшаб кийинишмас экан. Қизимни бермадим. Гарчи унинг кўнгли бўлса ҳам. Напринцип бермадим.

— Ало, ало? Яна алоқа йўқолди.

— Афсус, афсус, ҳурматли газеташоу мухлислари вақтимиз эса чегараланган. Бизга энг яхши саволни йўллаганларга совғаларимиз бор эди. Афсуски, уларнинг ўз эгаларини аниқлаш имкони бўлмади. Ҳечқиси йўқ, совғаларимизни келгуси учрашувлар учун сақлаб қўямиз. Шундай қилиб, бугунги "Қарқара келин киму масхара келин кимлигини аниқлаш" шоумизда ғолибларни аниқлаш имкони бўлмади. Эслатиб ўтаман, газеташоу саҳифасида бу мен — сизларнинг севимли бошловчингиз Сурайё Даврон бўламан. Кўришгунча хайр!

**Бек ТУРДИ**



Шавкат МУЗАФФАР чизган сурат.

## ЭНГ МУҲИМ ҚОИДАЛАР

"Саратон хасталигини келтириб чиқарувчи сабаблардан бири — ҳаракатсизлик", деган фикрга келишди америкалик олимлар. Хавфли ўсмага учрашнинг юз мингта сабаби жисмоний ҳаракат етишмаслиги оқибати экани ҳисоблаб чиқилди.

Бир соат қимирламай ўтирган ҳолатда ишлашнинг зарари икки дақиқалик фаол жисмоний ҳаракат билан қопланади. Физиолог Р. Минвалиевнинг гувоҳлик беришича, одам қанча кўп жисмоний ҳаракат билан машғул бўлса, организмнинг иммунитети шунча яхшиланаркан. Ҳаракат тўғри овқатланишга доир тавсиялардан ҳам кўра яхши самара беради.

* * *

Помидор шарбати пакетли идишга солинган бўлса, унда саратон ўсмаси тўқималарини жиловловчи ликопинлар миқдори кўп бўлади. Бошқа идишлардаги помидор шарбати таркибига ишлаб чиқарувчилар нималарни қўшишаётганини ҳозирча билиб бўлмайди. Консервант қўшилмаган помидор шарбатини уйда тайёрлаш мумкин. Бироқ шуни унутмангки, шарбат сиқиб олинганидан сўнг уни ўн дақиқа ичида ичмасангиз таркибидаги дармондорилар парчаланиб кетади. Бундай шарбатларни ҳар куни эмас, ҳафтада икки-уч марта ичган маъқул. Акс ҳолда кальций тузлари қон томирларда туриб қолиб, буйракда тош ҳосил қилиши мумкин.

* * *

Болалар тўрт ёшга қадар сақичнинг нималигини билмагани ва уни чайнамагани яхши. Акс ҳолда болаларда нейроэндокрин ўзгаришлари рўй беради. Бу эса, семириб кетишга, боланинг ақл ва шуури нотўғри ривож топишига олиб келади. Оқибатда улар Оллоҳ юктирган табиий истеъдодларидан маҳрум бўлиб қолиши ҳеч

**Соғлиғинг — бойлигинг**

гап эмас. Катта ёшдагиларда сақич чайнаш тишни кариесдан асраши мумкин, бироқ тишдаги пломба, қоплама ва боғламаларни тез емиради. Ҳомилали аёллар сақич чайнашдан тийилиши, айниқса, сўнгги уч ойда сақични буткул унутиши керак.

* * *

Тани соғлом одамлар ўн сония совуқ сувда чўмилса ёки устидан бир челак муздай сув қуйса, организми яхши чиниқади. Бироқ бундан сўнг юз грамм арoқ ичиб, исиниш мутлақо ножоиз. Негаки, совуқ кунда томирлар торайяди, организм шу йўл билан ўзидаги иссиқни сақлайди. Алкоголли ичкилик эса томирларни кенгайтиради. Натижада аъзои баданингиздаги барча иссиқлик чиқиб кетиб, совқота бошлайсиз. Шу сабабга кўра, қаттиқ совуқ қотган одамни бир стакан арoқ ичкизиб қиздириш усули нотўғри. Арoқ ичилгач, томирлар кенгайиб, совуқ қон ички аъзоларга ўтади ва уларни янада совутиб юборади. Айнан мана шу сабабга кўра, қаттиқ совуқ қотган ҳолатда иссиқ ванна қабул қилиш ҳам, ҳаммомга тушиш ҳам хатарли ҳисобланади. 1989 йили Норвегия денгизида чўкиб кетган "Комсомолец" сувости кемаси экипажидан 16 киши тирик ҳолда сув юзасига олиб чиқилган. Бош механик ва сиёсий ишлар бўйича ўринбосар иссиқ сувли ваннага, саккиз киши эса саунага киритиб юборилган. Орадан икки соат ўтгач, уларнинг барчаси вафот этган.

Шу ўринда контрастли (иссиқ-совуқ) душнинг фойдаси ҳақида ҳам айтишга тўғри келади. Иссиқ-совуқ душ қабул қилиш қон томирларни чиниқтиради. Тери мустаҳкам бўлади. Бироқ соғайтирувчи самарага эришиш учун совуқ сувнинг таъсири узоқроқ давом этиши керак.

Совуқ организмни яшартиради. Буни ҳис этиш учун кўпроқ машқ қилиш керак. Ҳар қандай жисмоний машқ организмни ўз ресурсини тежашга ўргатади. Демак, аъзои баданингиз имкониятларини қанча кўп тежасангиз, шунча узоқ яшайсиз.

* * *

— Бўрсиқ ёки айиқ ёғида нуклеин кислоталари, дармондорилар ва минерал моддалардан иборат оқсилларнинг табиий мажмуи мужассам бўлиб, улар организмга яхши сингади, — дейди шифокор С.Агапкин. — Шунинг учун ҳам бундай ёғлар иммун тизимини мустаҳкамлайдиган восита сифатида қўлланилади. Бироқ улардан бронхит, зотилжам, сил ва ориқлаб кучсизланиб қолиш билан боғлиқ хасталикларни даволашда фақат ёрдамчи муолажа воситаси сифатидагина фойдаланилади.

* * *

— Ўт қопида тош пайдо бўлган кишилар ҳамда спиртли ичимликларни суиистеъмол қилувчиларда панкреатит (ошқозон ости бези яллиғланиши) хасталиги кўп учрайди, — дейди профессор А.Шабунин. — Бирор жароҳат туфайли ошқозон ости бези зарарланган, яъни йўл-транспорт ҳодисасига учраган, ўқ отар қурол ёки ўткир тиғдан жароҳат олган кишилар орасида ҳам панкреатит билан хасталанувчилар кўп учрамоқда. Бундан ташқари, ҳар куни сифатли ўткир арoқ ичиб, юқори калорияли ҳазми оғир таомлар билан газак қилувчи бой кишилар ҳам панкреатитга кўп чалинмоқда. Негаки, ҳар гал меъёрдан ортиқ зиёфатлардан сўнг ошқозон ости безида яллиғланиш ривожланиб, унинг ҳажми ошади ва таомлар ҳазм бўлишига хизмат қиладиган суюқлик ўтувчи найчаларни қисиб қўяди. Натижада панкреатик суюқликнинг ҳаракат меъёри бузилади ва сурункали панкреатит юзага келади. Эндиликда бу хасталик ёғли ва юқори калорияли таомларни хуш кўрадиган болаларда ҳам учрамоқда. Сабаби таомларда ёғ кўп бўлса, ошқозон ости безига оғирлик тушади. Тўй-ҳашам ёки зиёфатга борганда профилактика мақсадида спазмларни тарқатувчи ва ошқозон ости бези ферментлари мавжуд бўлган дорилардан ичган маъқул.

Кам овқатланиш ҳам ўт шираси ўт қопчасида туриб қолиб, тош ҳосил бўлишига шароит яратади. Суюқликларни меъёрида ичиб юриш ўт шираси қотиб, тош ҳосил бўлишининг олдини олади.

Ярим йилда бирданига бир шиша арoқ ичгандан кўра, ҳар куни бир фужер (150 грамм) қизил мусаллас ичиб юрган яхши.

*"АиФ"нинг 45-сонидан.*

## Эпиграммалар

### ШАЙТОН

**Бўлиб олди, эт билан тирноқ,**
**Энди икков бир тан-у бир жон.**
**Қувлик қилиб йўлдан чиқарди,**
**Бир мўминни одамий шайтон.**

### КОСАГУЛ

**Кимларгадир катта мартабадир бу,**
**Мартабаталабни қани, жин урса!**
**Қадаҳ кўтармасдан иложинг йўқдир,**
**Товонинг ўпишга шай бўлиб турса!**

### ТУЛКИГА ЯРАШАР

**Одам бўлсин экан одам боласи,**
**Тулкига тулкилик холдек ярашар.**
**Бўлмасин дейман-да, ичда оласи,**
**Ёмон бир яшаса, яхши минг яшар.**

### КЎНГИЛ ПИЁЛАСИ

**Синса, синсин идиш-товоқ,**
**Бари пулга келади.**
**Синса кўнгил пиёласи,**
**Ким чегалаб беради?**

### ЎЗИНГДАН ЧИҚАР

**Ўғри ҳам ўзингдан чиқар,**
**Тўғри ҳам ўзингдан чиқар.**
**Айбинг шуки, кўрмайсан,**
**Кўрмасанг, кўзингдан чиқар.**

### ГАПИР

**Гапни-гапга улаб гапир,**
**Ўнг-сўлингга қараб гапир.**
**Ортиқча гап-эшакка юк,**
**Майли, бўлса талаб, гапир.**

**Олломурод БОГОЛОНИЙ**

## БОЛАЛАРНИНГ САМИМИЙ ДЎСТИ

**Ҳамкасб ҳақида сўз**

Катталар адабиёти ёки журналистикаси каби болалар матбуотининг ҳам ўзига хос машаққатли ва қувончларга тўла ижод дунёси бор. Болани алдаб бўлмайди. Ёлғон ёзсангиз, бола дарров сезади. Энг муҳими ёзганингизда бола ўзининг беғубор дунёсини кўриши, ўқиган нарсасидан ўзини, ўз оламини топиши унга қувонч бағишлайди. Ёш дўстларимизга ана шундай қувонч ва шодлик ҳадя этиб келаётган иқтидорли ижодкорлардан бири Феруза Жалиловадир. Бу истеъдодли қаламкаш ўттиз йилдан буён болаларнинг севимли нашри "Тонг юлдузи" газетасида аввал адабий ходим, бўлим мудири, айни пайтда бош муҳаррир ўринбосари вазифасида ишлаб келмоқда. Йиллар давомида болалар ва ўсмирлар дунёсини ҳар жиҳатдан чуқур ўрганиш билан бирга, улар ҳақида бир-биридан қизиқарли асарлар ёзиб келаётган Феруза Жалилова аллақачон болаларнинг севимли ижодкорига айланган. Унинг "Маҳалламиз болалари", "Болажон" ва "Давр қизи" деб номланган шеърлар, ҳикоялар, достон ва бадиалардан иборат китоблари чоп этилган. У ёзаётганда бола бўлиб қўлига қалам олади, бола бўлиб ёзади. Шу боис унинг ёзганларини болалар билан бирга катталар ҳам севиб ўқийдилар. Улар ҳам болалар дунёсига ошно бўладилар.

Шуни таъкидлаш лозимки, Президентимиз томонидан болаларимизга кўрсатилаётган катта ғамхўрлик ва берилаётган улкан имкониятлар моҳиятини теран тушуниб етган Феруза Жалилова истеъдодли ёшлар эришаётган ютуқларни қаламга олишда бошқа ҳамкасбларига намуна бўлаётир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари, "Янги авлод", "Келажак овози" танловлари ғолиблари унинг асосий қаҳрамонларидир. У ғолиблар ҳақида худди ўз фарзанди ғалаба қучганидек меҳр билан, самимият билан ёзади. Ва бу самимият ўқувчи қалбига ҳам кўчади.

Болалар адабиёти ва матбуоти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган изланувчан ва талабчан ҳамкасбимиз Феруза Жалилова умрининг эллик баҳорини муносиб ижод, аҳил ва ибратли оила, самимий дўстлар билан бирга кутиб олмоқда. Бу заҳматкаш ва камтарин аёлни ҳамкасблари ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Чунки унинг нафақат ёзганларида, балки ўзида, одамлар билан муносабатида ҳам ҳамиша самимият барқ уриб туради. Ферузахонни самимият фарзанди, болажонларнинг самимий дўсти десак, муболаға бўлмайди. Унинг қалбини ва қаламини ҳеч қачон самимият тарк этмаслигини истардик.



**Ашурали ЖЎРАЕВ**



*Азиз газетхон!*

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га 2012 йил учун обуна бошланди. Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари, «Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.

Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.

Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна бўлсангиз, ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Обуна – 2012

Нашр кўрсаткичимиз –222.

Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, Театрлар ижодкорлари уюшмаси Андижон вилоят мусиқали драма театрининг фахрийси, Ўзбекистон халқ артисти **Азиза АМИНОВА**нинг вафоти муносабати билан марҳуманинг яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва «Ижод» жамоат фонди уюшма ходимаси Барно Хўжаевага отаси **Акбар ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.


МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

* * *

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз:
Котибият — 233-49-93 uzas@b2c.uz

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48*
*Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-57-42 Назм ва наср бўлими: 236-58-55*

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Масъул котиб – Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир — Суюндик МАМИРОВ
Саҳифаловчи — Элёр МАҲМУДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41 уй

Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 18.58

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 13.06.2007 йил 0283-рақам билан рўйхатга олинган. Адади — 4528 Буюртма Г — 1144. Ҳажми — 3 босма табоқ А-2.
Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН